



20  
(1338)-son  
18-may  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### IGOV

Унда электрон  
хизматлар  
муҳокама қилинади  
**4-бет**

### "ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ" АЖ

"Тезкор почта"  
хизматини тўлиқ  
ишга туширди  
**5-бет**

### СОТРУДНИЧЕСТВО

Глава Мининфокома  
встретился с вице-  
президентом  
корпорации  
"Корея Телеком"  
**6-бет**

### УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ

Фан қасри дурдонаси  
ёки дунёдаги биринчи  
ҳисоблаш маркази  
**7-бет**

### "РРТМ" ДУК:

Меҳнат муҳофазасига  
789,6 миллион сўм  
сарфланди  
**13-бет**

### СОҲА СПОРТИ

"Alskom" жамоаси  
соҳа турнири ғолиби!  
**15-бет**

ЎЗБЕКISTON ЭЛЕКТРОН  
ТИЖОРАТ СОҲАСИ:

#### ИККИ РАҚАМ, ИККИ ФАКТ

2018 йил охирига  
ҚАДАР абонент бошқа мо-  
бил алоқа тармоғига ўтган-  
да унинг телефон ра-  
қамини сақлаб қолдиш  
тартиби ишлаб чи-  
қилади.

2019 йил 1 октябрга-  
ЧА фойдаланувчиларни иден-  
тификация қилишнинг Mobile-  
ID (SIM-карта ичидаги элек-  
трон рақамли имзо) тизими  
жорий этилади.



## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ЭШИКЛАРИ КЕНГ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон Республика-  
си Президенти Шавкат Мир-  
зиёев 2018 йил 14 май куни  
"Электрон тижоратни жадал  
ривожлантириш чора-тад-  
бирлари тўғрисида"ги қарор-  
ни имзолади.

Қарорга биноан мамлакатда

электрон тижоратни ривож-  
лантириш учун қулай шарт-  
шароитлар яратиш, товарлар  
(хизматлар)ни интернет тар-  
моғи орқали реализация қилиш  
учун замонавий механизм ва  
тартиб-таомилларни жорий  
қилиш, маҳаллий тадбиркор-

лик субъектлари маҳсулотла-  
рини экспорт қилиш геогра-  
фиясини кенгайтириш ва ҳаж-  
мини ошириш мақсадида бир  
қатор вазифалар белгиланди.

2-бет

## АКТ вазири Nokia раҳбарияти билан учрашди

Ўзбекистон Республика-  
си ахборот технологияла-  
ри ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири  
Азим Аҳмедхалжаев Nokia  
компаниясининг бош иж-  
рочи вице-президенти,  
компаниянинг Европада-  
ги раҳбари ҳамда Digital  
Europe компанияси прези-  
денти Маркус Бёрхерт бил-  
ан учрашди.

Учрашувда телекомму-  
никация ва ахборот техно-  
логиялари йўналишида  
истиболда турган ҳам-  
корлик масалалари яқин-  
дан муҳокама қилинди.  
Жумладан, кадрлар мала-  
касини ошириш, янги теле-  
коммуникация техно-  
логиялари ва хизматла-  
рини жорий қилиш бўйича  
лойдҳаларга эътибор  
қаратилди.

Жаҳоннинг узоқ йиллик  
тажриба ва тарихига эга  
компанияси ҳисобланган  
Nokia компанияси 150  
йилдан буён фаолият  
кўрсатиб келмоқда. Бугунги  
кунда у мобил, симли ва  
кенг поласали телекомму-  
никация тармоқлари учун  
ускуналар, IT-чимлар иш-  
лаб чиқаришда халқаро  
миқёсда тан олинган экс-  
перт ҳисобланади.

### ЯНГИЛИК

## ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО КАЛИТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 10 майдаги Давлат  
хизматлари марказлари орқали  
электрон рақамли имзо кали-  
тини рўйхатга олиш ва элек-  
трон рақамли имзо (ЭРИ) кали-  
тининг сертификатини бериш  
бўйича давлат хизматлари кўрс-  
атишнинг маъмурий регламен-  
ти тасдиқланди.

Унга кўра, давлат хизматлари  
марказлари орқали электрон ра-  
қамли имзо калитини рўйхат-  
га олиш ва электрон рақамли  
имзо калитининг сертификатини  
бериш касб-ҳунар коллеж-  
лари ва академик лицейлари-  
нинг ўқувчилари учун бепул  
амалга оширилади.

Давлат хизматлари марказ-  
лари орқали электрон рақамли  
имзо калитини рўйхатга олиш  
ва электрон рақамли имзо ка-  
литининг сертификатини бериш



давлат хизматининг муддати 3  
иш соатидан 40 дақиқага қис-  
қартирилди.

Бундан ташқари, мурожа-  
ат этувчилар Давлат хизмат-  
лари марказлари орқали элек-  
трон рақамли имзо калити-  
ни рўйхатга олиш ва элек-  
трон рақамли имзо калитининг  
сертификатини бериш юзаси-  
дан туман (шаҳар) давлат хиз-  
мати марказларига ўзи кел-  
ган ҳолда ёки Ягона интерак-  
тив давлат хизматлари пор-  
тали орқали мурожаат қили-  
ши мумкин.

### Реклама


**ALSKOM**  
KUBURTA KOMPANIYASI  
STPAKOBAR KOMPANIYASI

## ИПОТЕКА СУҒУРТАСИ

Телефон рақами:  
147-11-00  
147-22-00  
147-11-11

Хизматларнинг майдони  
www.alskom.uz





## ФИДЕ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Шахмат билан шуғулланидиган болаларнинг фанларни ўзлаштириши ўртача 40 фоизга ошади

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов 14 май куни Тошкент шаҳридаги ИНХА университети (IUT)да ёшлар билан учрашди.

Кирсан Илюмжиновнинг учрашуви Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳридаги ИНХА университети ректори Сарвар Бабаходжаев очди. Университет раҳбари ўз чиқишида Кирсан Илюмжиновнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот бериб ўтди. Шундан сўнг сўз навбати Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Ахмедхаджаевга берилди.

Вазир ФИДЕ президенти билан IUTда шахмат факултетини очиш масаласини муҳокама қилганлигини қайд этди. Шунингдек, у мутахассислар томонидан шахмат билан шуғулланидиган бола-

ларнинг фанларни ўзлаштириши ўртача 40 фоизга ортиши аниқланганлигини қўшимча қилиб ўтди.

— Мен бу даргоҳда юртимизнинг энг билимли ёшлари таҳсил олишини биламан, — деди вазир. — Агар шахмат билан шуғулланиш натижасида ўзлаштириш даражасини яна 40 фоизга яхшилаб оلسангиз, унда соҳамиз келажигидан умуман ташвишланмасак ҳам бўлади.

Талабалар олдида чиқиш қилар экан, Кирсан Илюмжинов ўз ҳаёти ҳамда қандай қилиб биринчи миллион долларини ишлаб топгани, Қалмиқ Республикаси болаларининг шахмат билан шуғуллана бошлаганларидан кейин математика, физика ва биология фанларидан доимий тарзда совринли ўринларни эгаллаб келишганлиги тўғрисида гапириб берди.

ФИДЕ раҳбарининг қайд этишича, унинг асосий мақсади Ер юзиде 1 млрд. инсонни шахмат ўйнашга ўргатишдир. Унинг фикрича, бу билан дунёдаги кўпгина низоларнинг олдини олиш мумкин.

Агарда инсон шахматдаги каби ўз юришларини ўйлаб қилдиган бўлса, камроқ ноҳўят хатти-ҳаракатларни амалга оширади.

Тадбирдан сўнг Кирсан Илюмжинов қисқача интервью берди:

— Ўзбекистон дунёнинг шахмат ўчоқларидан бири. Бу ерда минг йиллардан буюн келб спорт тури ривожланиб келган. Мамлакатингиз Жаҳон чемпионини дунёга келтирган камсонли юртлардан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу юртда математика, медицина, астрономия асосчилари етишиб чиқишган. Ушбу ташрифимда мен учун аjoyиб янгилик шу бўлдики, Ўзбекистонда мактаб таълим тизимига шахмат дарси киритилишига тайёргарлик кўрилатган экан. Бугун Халқ таълими вазирлиги ва ҳукумат вакиллари билан учрашдим. Уларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда келгуси ўқув йилидан таълим дастурига шахмат дарслиги киритилиши режалаштирилган. Албатта, бу жараёнда ўқитувчи-мураббий-

лар ва дарсликлар борасида муаммолар юзга келиши мумкин. ФИДЕ бу каби муаммоларнинг ижобий ечим топишига ҳар томонлама кўмаклашади. Ўйлайманки, яқин йилларда шахмат Ўзбекистонда энг оммабоп спорт турларидан бирига айланади. Бу қувонарли жиҳат.

Ушбу учрашувда Тошкент шаҳридаги ИНХА университети талабаси Саидрасул Усмонхўжаевнинг орзуси амалга ошди. У ФИДЕ президенти билан блиц ўйин ўтказди.

— Шахмат, математика ва дастурлашда бир хил мантиқ қонунлари қўлланилади, — дейди Саидрасул. — Мен шахмат ўйнаш ёки математикадаги маълум масалани ечиш орқали дастурлашга онд қобилиятимни ривожлантириб бораман ва янада самарали ҳамда ўта нозик дастурий кодларни ярата оламан.

ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов Тошкент шаҳридаги ИНХА университетининг меҳмонлар китобида ўз тилаларини ёзиб қолдирди.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

### ОГОҲЛИК

## ҲУҚАРО МУҲОҲАЗАСИ: ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?



Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда унинг оқибатларини бар-тараф этиш ҳамда инсонлар ҳаётига хавф туғилишининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 15-17 май кунлари Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларида фуқаро муҳофазаси бўйича кўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилди.

Самарқанд вилоятидаги ўқув машғулотларида соҳа қорхона ва ташкилотлари иштирок этди. Унга Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-

лигининг махсус ишлар бўлими бошлиғи Тўлқин Хушвақтов раҳбарлик қилди. Машғулотларда иштирокчилар фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг шайлиги ва фавқулодда ҳолат содир бўлганда ҳаракат режаларини тезкорлик билан амалга оширишларини намойиш этишди.


Кўмондонлик-штаб ўқув машқларида Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи полковник Бекзод Аденов, вазирликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров,

“Ўзбектелеком” АК махсус ишлар бўлими бошлиғи Абдусаттор Алимшаевлар қатнашиб, машғулотлар жараёнларини кузатиб борди.

Машғулотларда Давлат фелдъегерлик хизмати, Самарқанд вилояти электромагнит мослашув хизмати ҳамда Самарқанд Радиотелерадиоузатиш маркази қорхоналарининг фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлиги юқори баҳоланди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

# IGOV — УНДА ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ



### Давлат электрон хизматларни танлаш ва қидириш



### iGov.uz saytininng bosh oynasi.

Хозирги кунда мамлакатимизда электрон хизматлар кўрсатувчи бир қатор тизимлар ишлаб турибди:

- Аҳоли мувожаатлари билан ишловчи **pm.gov.uz** тизими;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали — **my.gov.uz**;
- Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг янги талқини — **my2.gov.uz**;
- Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимларининг электрон (автомат, яримавтомат, ахборот) хизматлари;
- Бошқа (масалан, бизнес, тижорат қидирув) ахборот тизимларининг хизматлари.

дан фойдаланиш тажрибасини талаб қилади. Ушбу талаб фойдаланувчиларга электрон хизматлар билан ишлашда қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, ахборот тизимлари томонидан янги хизматларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг фаол иштироки таъминланмай қолмоқда. Натيجада янги жорий этилаётган хизматлар аҳолининг асосий эҳтиёжларига мос келмай қолмоқда.

### Таклиф этилаётган ечим

Миллий электрон ҳукумат тизими самардорлиги энг аввало эҳтиёжга мос хизматларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишни имкон қадар соддалаштириш ва бу жараёнларда аҳолининг эҳтиёж ва таклифларини таъминлашга боғлиқдир. Олиб борилган таҳлиллар асосида қўйилган вазифаларни самарали

ҳал этиш учун аҳоли эҳтиёжларига қаратилган маслаҳат-муҳокама тизимини куриш лойиҳаси таклиф этилади. Хозирда ушбу лойиҳа iGov.uz номи остида тест шаклида интернет тармоғига қўйилган.

**iGov сўзига қисқача тавсиф.** *iGov сўзи i+Gov бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, "i" — information, interactive, internet, intelligent, integration, innovation, instruction, idea каби маъноларни англатади (муаллиф томонидан таклиф этилмоқда).* Жорий этаётган томоннинг қарашларига боғлиқ ҳолда ушбу атамаларнинг бири қабул қилиниши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтгача iGov атамаси маъносига нисбатан аниқ ўрнатилган халқаро келишув қабул қилинмаган.

Таклиф этилаётган iGov.uz тизимининг мақсади фойдаланувчиларга (G2G, G2B, G2C, G2E) уларнинг эҳтиёжларига мос хизматларни танлашда кўмаклашиш, хизматлардан осон фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериш, уларнинг таклиф ва эҳтиёжлари асосида муносиб ечимларни излашдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, iGov.uz электрон ҳукумат доирасида кўрсатилаётган электрон хизматлар фойдаланувчанлигини орттиришга кўмаклашувчи, маслаҳат-муҳокама ва хизматларни таклиф этиш тизимидир. У ўз олдига қўйган мақсадни амалга оширишда қўйидаги вазифаларни бажаради:

● Хозирда фаолият кўрсатётган барча ахборот тизимларидаги электрон хизматларни ягона электрон манзилга жамлаш;

● Электрон хизматларни танлашни соддалаштириш учун уларнинг параметрлари ва соҳалари бўйича қидириш;

● Электрон хизматлардан қулай фойдаланиш учун тизимда интерфаол усуллари қўллаш орқали фойдаланувчилар кўникмасини ошириш;

● Янги электрон хизматларни жорий этиш юзасидан уларнинг фуқаролар муҳокамасига қўйиш ва баҳолаш;

● Фойдаланувчи эҳтиёжининг ҳажми ва муҳимлиги асосида аниқланган хизматларни жорий этиш юзасидан хизмат кўрсатувчи ташкилотларга таклифлар бериш;

● Электрон ҳукуматни ривожлантириш юзасидан очик ва илмий-таҳлилий форумлар ва тадбирлар ташкил этиш.

### IGOV.UZ

Айни пайтда тизимда мавжуд хизматлар ва уларнинг паспорт маълумотлари тўпланмоқда.

**P.S. Мазкур лойиҳани ривожлантириш юзасидан ғоя ва таклифлар муаллиф томонидан мамнуният билан қабул қилинади!**

Лойиҳа муаллифи — ТАТУ PhD докторанти Элмурод БОБОЖОНОВ.

Ғулмужон НАЗАРОВ, ТАТУ талабаси

### Мавжуд муаммолар

Электрон ҳукумат доирасидаги электрон хизматларнинг турли тизимларда жойлашганлиги фойдаланувчидан етарли даражадаги билим ва кўникмаларни, тизимлар ва улардаги хизматлар-

№	Ахборот тизимлари	Хизматлар
<b>Ягона порталлар</b>		
1	my.gov.uz	x <sub>1</sub> =289
2	my2.gov.uz	x <sub>2</sub> =56
<b>Давлат бошқарув органлари*</b>		
3	Меҳнат вазирлиги	x <sub>3</sub>
	Молия вазирлиги	x <sub>4</sub>
<b>Маҳаллий давлат ҳокимиятлари органлари*</b>		
4		
<b>Бошқа</b>		
5		
n		x <sub>n</sub>

\* бу ерда ягона порталга кирмаган хизматлар назарда тутилган.

## ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!

### ДФХ ХОДИМЛАРИ ХИВАДА

Давлат фелдъегерлик хизмати раҳбарияти ходимларининг маданий-маърифий савиясини ошириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!" дастурига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг турли диққатга сазовор жойларига шахсий таркибнинг саёхатлари уюштириляпти.

Яқинда ДФХ марказий аппаратида меҳнатда ўрнак кўрсатиб, зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини

намунали бажариб келаётган фидойи ходимлардан 30 нафари бошлик биринчи ўринбосари полковник М.Имомқориев бошчилигида Хива шаҳрига саёхат қилишди. Саёхат давомида уларга тажрибали гидлар томонидан маданий мерос объектлари ва тарихий обидалар бўйича қизиқарли маълумотлар берилди.

— Саёхат барчамизда катта таассурот қолдирди, — дейди М.Имомқориев. — Сафар давомида қадимий

Хива шаҳрини обдон томоша қилдик, Маъмур академияси, Хоразм меъморчилик ва хунармандчилик санъати, миллий либосларидан ҳайратландик.

ДФХ ходимлари келгусида ҳам республикаимизнинг бошқа тарихий масканлари билан танишиш учун саёхатлар уюштиришни келишиб олдилар.

Ўз мухбиримиз



# МУРОЖААТЛАР ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Оққўргон туманининг қарийб юз минг нафар аҳоли-сига алоқа хизмати кўрсатишни Оққўргон телекоммуникациялар боғламасининг 22 кишилик жамоаси ўз зиммасига олган. Улар 1568 абонент ҳамда 600 интернет сигими-га эга марказий АТС, саккизта магистрал кабел, 447 сигимли Алимкент АТС ҳамда бир қатор мини-станциялар орқали аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга хизмат кўрсатишяпти.

— Хизматлар сифатини ошириш, замонавий интернет ва IPTV хизматлари ҳажмини кўпайтириш мақсадида кейинги йилларда бир қатор янгилекларни амалга оширдик, — дейди Оққўргон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Саидазим Саидганиев. — Жумладан, 2016 йили марказий АТС тарқатув жавонидан Калияс қишлоғига қадар кабел тортиб, 64 сигимли мини-MSAN станциясини ўрнатдик. Шунингдек, Қизил Шарқ маҳалласига ўрнатилган мини-MSAN орқали 50 нафар абонентга IPTV хизматлари кўрсатиляпти. Мазкур мини-

станция орқали абонентлар сонини яна 40 нафарга ошириш имкониятимиз бор. Айни пайтда бу борада тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратяёмиз.

Телекоммуникациялар боғламаси ходимлари иштирокида абонентлар билан хушмуомалала бўлиш, мурожаат ва шикоятларни камайтириш юзасидан тез-тез тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Жорий йил бошидан бери абонентлар томонидан учта мурожаат қабул қилиниб, улар ўз вақтида бартараф этилди.

— Биз туманининг аҳоли гавжум жойларига боғламиз ҳамда Тошкент филиали ишонч телефонларини кўзга кўринарли қилиб ёзиб қўйганмиз, — дейди боғлама бошлиғи ўринбосари, олий тоифали муҳандис Жасур Умбетов. — Ушбу телефонлар орқали Хусан Мамадалиев ҳамда Фаррух Охуновлар линия носозлигидан, Олимжон Абдувакилов эса Wi-Fi ускунаси-

ни сошлаб беришни сўраб мурожаат қилишди. Бу мурожаатлар қисқа муддат ичида ҳал қилинди.

Аҳолининг шикоятлари билан тажрибали мутахассис Нозима Нишонова шугулланади. Нозиманинг синчковлиги сабаб, мурожаатлар эътиборсиз қолаётгани йўқ. Улар ўн дақиқа ичида ёки узоғи билан икки-уч соатда ҳал этиляпти. Тўғри, айрим мурожаатларни ҳал этишда техник имкониятларимиз етарли эмас.

Жасурнинг гапларига қараганда, аҳоли ҳурмати ва ишончига сазовор бўлишда тажрибали алоқачилардан линия муҳандиси Камол Пўлатов, кросс-механиги Абдумалик Кабиров, ЛАЗ механиги Камолiddин Рисов, электромонтёр Ҳамид Байдуллаев, кабел пайвандловчи Холмухаммад Турғунов ҳамда Алимкент АТС кабел пайвандловчиси Вакил Ҳайиталиевларнинг муносиб улушлари бор. Улар меҳнатини ёш мутахассисларга ибрат қилиб кўрсатишади.

Муборак МИРКАМОЛОВА



## САЙЁР ҚАБУЛ

# МУАММО ЕЧИМИ — МУЛОҚОТДА

Маълумки, жойлардаги муаммолар ечимини топишда бевосита халқ билан мулоқот — сайёр қабулларнинг аҳамияти катта. “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳам жорий йил бошидан 2018 йилда ўтказиладиган сайёр йиғилишлар режасини белгилаб, унга қатъий амал қилишяпти. Яқинда ана шу режага асосан жамиятнинг иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бўлими бошлиғи М.Авазбоев Андижон филиалида бўлиб, филиалда фаолият кўрсатаётган почта алоқаси ходимлари, Андижон шаҳридаги “Тўққизариқ”, “Навбахор”, “Ўзбекистон 20 йиллиги”, “Боғишамол”, “Янги ҳаёт”, “Янги турмуш”, “Хўтанариқ”, “Жумабозор”, Аҳмад Ясавий, “Сада” ва бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан сайёр мулоқот ўтказди.

Йиғилишни филиал директори В.Исоқов очиб, барча соҳалардаги туб ўзгаришлар ҳақида гапирди ва улардан мақсад халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, уларни рози қилиш эканлигини алоҳида таъкидлади.



Тадбир қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтди. М.Авазбоев йиғилганларга почта алоқасининг бугунги ҳолати ва истиқболдаги режалар, мутахассислар эса амалга оширилаётган ишлар, жорий этилган янги хизмат турлари ва уларнинг афзалликлари билан таништиришди.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, мутахассислардан тегишли жавоб олишди. Жумладан, фуқаролар Д.Мамадалиева ва Ш.Сатиновларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилди. Бошқа соҳалар фаолиятига тегишли саволлар белгиланган тартибда

ўрганиб чиқилиб, жавоб берилиши айтиб ўтилди.

Тадбирда иштирокчиларнинг почта хизматлари сифати ва маданиятини ошириш бўйича фикр ва мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилди.

Сайёр йиғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.


Камолiddин  
ҚАМБАРИДДИНОВ,  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ  
Андижон филиали  
масъул ходими

## "ТЕЗКОР ПОЧТА" ХИЗМАТИ ТЎЛИҚ ИШГА ТУШДИ

“Ўзбекистон почтаси” АЖ 15 майдан барча шаҳар ва туман почта бўлиmlарида “Тезкор почта” хизматини ишга туширди. Компания расмий сайтыда маълум қилинишича, жорий йилнинг 10 апрелида 15та почта объектида жорий этилган янги “Тезкор почта” хизмати муваффақиятли синовдан ўтказилган. Энди бу хизматлар белгиланган тариф асосида йўлга қўйилди.

“Тезкор почта” жўнатмалари махсус тарзда белгиланади ва жўнатмани етказиб беришдаги энг юқори барча босқичлари устувор тартибда амалга оширилади. Компания хизматлар сифати ва кўрсатилган етказиб бериш муддатларига риоя қилинишини билдириб ўтган.

## ГЛАВА МИНИНФОКОМА ВСТРЕТИЛСЯ С ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТОМ КОРПОРАЦИИ «КОРЕЯ ТЕЛЕКОМ»



15 мая 2018 года глава Мининфокома Азим Ахмедхаджаев встретился с вице-президентом корпорации «Корея Телеком» г-ном Ли Бэк Хи.

В ходе встречи стороны обсудили вопросы развития дальнейшего двустороннего взаимовыгодного сотрудничества в новейших направлениях сферы информационно-коммуникационных технологий.

Корейская сторона сообщи-

ла о намерениях долгосрочного сотрудничества по развитию сетей телекоммуникаций и ИКТ в Узбекистане, в частности развитие услуг беспроводного доступа к сети интернет.

Сторонами выражен взаимный интерес в усилении совместной работы по углублению сотрудничества.

Корпорация «Корея Телеком» основанная в 1981 году, годово-

вый оборот компании составляет 18 млрд. долл. США. На сегодняшний день «Корея Телеком» является одним из самых крупных телекоммуникационных операторов в Азии. Компании принадлежит самая крупная и технологически насыщенная телекоммуникационная сеть Кореи, предоставляющая услуги местной, международной и международной связи, а также передачи дан-

17 МАЯ —  
ВСЕМИРНЫЙ ДЕНЬ  
ЭЛЕКТРОСВЯЗИ И  
ИНФОРМАЦИОННОГО  
ОБЩЕСТВА

17 мая во всём мире отмечается Всемирный день электросвязи и информационного общества (World Telecommunication and Information Society Day), который в этом году проходит под темой «Обеспечить положительные результаты использования искусственного интеллекта для всех».

Этот день — профессиональный праздник всех программистов, системных администраторов, интернет-провайдеров, веб-дизайнеров, редакторов интернет-изданий и всех остальных людей, занятых в сфере информационных технологий.

До 2006 года этот День праздновался как Международный день электросвязи или Всемирный день телекоммуникаций (World Telecommunication Day). Этот праздник отмечался с 1969 года по решению сессии Административного совета Международного союза электросвязи. Дата выбрана в связи с тем, что 17 мая 1865 года, после двух с половиной месяцев трудных переговоров, в Париже было подписано первое международное Телеграфное соглашение, и был основан Международный телеграфный союз, с 1932 года — Международный союз электросвязи.

### БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОСТЬ ВО ИМЯ ПРОЦВЕТЕНИЯ НАЦИИ

## ДОСТОЙНЫЙ ВКЛАД АКЦИОНЕРНОЙ КОМПАНИИ "УЗБЕКТЕЛЕКОМ"

Использование современных технологий в системах и сетях телекоммуникаций требуют подготовки высококвалифицированных специалистов не только верхнего но и среднего звена отрасли связи. Ташкентский профессиональный колледж информационных технологий (ТПКИТ) издавна славится своими традициями подготовки специалистов среднего звена, имеет безупречную репутацию учебного заведения ССПО МинВУЗа Республики Узбекистан. Учащиеся ТПКИТ участвуя в различных конкурсах, смотрах различного масштаба всегда занимают призовые места. В колледже проводятся научно-методические конференции преподавателей и учащихся, которое позволяет выявлять одаренную молодежь.

Благодаря слаженной работе руководства и педагогического коллектива, ТПКИТ являясь пионером во всех начинаниях в системе образования обрел заслуженную славу образцово-показательного колледжа республики. В настоящее время в колледже успешно реализован проект подготовки кадров с южнокорейской компанией "Самсунг" (здесь уме-

стно отметить, что ТПКИТ выиграл тендер объявленной фирмой в 2017 году).

Очевидно, что бурный рост научно-технического прогресса, новые технологии в системах телекоммуникаций требуют инновационных подходов в организации учебного процесса, требуют обновления и усовершенствования учебных программ, оснащения и оборудования современными средствами лабораторной базы. Естественно решение этих проблем без спонсорской помощи затруднено в свете сказанного. Договор ТПКИТ с АК "Узбектелеком" является своевременным, согласно договору колледж по мере финансирования, запланировал укрепить материально-техническую базу колледжа (лаборатории, кабинеты), в частности приобрести измерительные приборы, технические средства для монтажа ВОЛС, приобрести компьютеры и оргтехнику, кроме того обновить библиотечный фонд и наглядные пособия, благоустройство здания и территории, привлечение в образовательный процесс квалифицированных и опытных специалистов, профессорско-преподавательский состав

ТУИТ, повышения уровня квалификации и переподготовки педагогического и инженерно-педагогического состава, финансирование издательства для тиражирования разработанных учебных пособий преподавателями и сотрудниками ТПКИТ, улучшение условий и материального стимулирования труда сотрудников, организация и проведение конференций учащихся родственных колледжей и других мероприятий на формирование здорового молодого поколения востребованного на рынке труда молодых специалистов в отрасли связи.

АК "Узбектелеком" являясь крупной организацией отрасли связи вносит и вносит свой достойный вклад в дело подготовки конкурентно способных кадров среднего звена. Надеемся договор окажет самое благотворное влияние в деле воспитания и подготовки кадров средне-технического персонала отрасли связи нашей республики.

**Нодир ХОДЖАЕВ,**  
преподаватель Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий

### В ТУИТ ПРОШЕЛ ВТОРОЙ ЭТАП РЕСПУБЛИКАНСКОЙ ОЛИМПИАДЫ

11-12 мая текущего года в ТУИТ прошел второй этап Республиканской олимпиады по предмету "Информатика и информационные технологии" среди студентов вузов.

В Олимпиаде приняли участие студенты 56 высших образовательных учреждений, победившие в предыдущем этапе.

Участники в три тура решали задачи, используя языки программирования (задачи направления АСМ, по выбору на C++, Delphi, Pascal и Java). В четвертом туре студенты-участники прошли тестовые испытания (50 тестов) по информатике и информационным технологиям.

По итогам данного этапа 1 место завоевал студент Самаркандского филиала ТУИТ М.Нарзуллаев, 2 место занял студент Наманганского государственного университета Н. Каримов, 3 место досталось студенту Каршинского государственного университета М.Шоназарову. Победителям и всем участникам олимпиады были вручены дипломы и сертификаты.

# ФАН ҚАСРИ ДУРДОНАСИ

## ёки дунёдаги биринчи ҳисоблаш маркази

“Шарқ классик астрономиясининг амалий ва назарий масалаларини ўзида мужассамлантирган шоҳ асар “Зижи жадиди Кўрагоний” асрлар ва мамлакатлар оша умумжаҳон фани қасрига қўйилган бебаҳо дурдона бўлса, Улуғбек расадхонаси ҳисоблаш математикаси тарихининг ёрқин саҳифасидир.”

Яқинда бир гуруҳ олима аёллар қаторида мен ҳам Самарқанд шахрига уюштирилган сафарда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Самарқандда кўп марта бўлганимга қарамай, ҳар гал худди биринчи марта бораётгандек ҳаяжонланаман. Амир Темуру руҳи қўллаётган расадхонада Улуғбек ўз “Зижи”и устида ҳамон иш олиб бораётгандек бўлаверди...

Инсон ҳаёти ёшлигидан бошлаб математика билан, сонлар, рақамлар, ҳисоб-китоб билан боғлиқ. Ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олманг, унда ишлаётган одамлар — қурувчи ёки хунармандми, ўқитувчи ёки олимми, ташкилот раҳбари ёки уй бекасими, куллас, қим бўлишдан қатъи назар, ҳаётида математика ҳамма вақт унга ҳамроҳ. Эрта билан иссиққина ёпилган нон олаётганингизда, ҳозиргина босмахонадан келтирилган газета, журналларни кўздан кечириётганингизда — улар қўлингизга келиб тушгунга қадар қанчадан-қанча сонлар мужассамлигини ҳис қиласиз.

Бундан тўрт минг йиллар илгари қадимий Нил соҳилларида ерни аниқ ўлчаш, уй ҳайвонларини аниқ ҳисобга олиш усуллари мавжуд бўлган. Миср эҳромларидан топилган кўплаб папируслар орасида эллипка яқин математик ҳужжатлар бўлган, булар ичида энг қадимийси эрамиздан аввалги XIX асрга тегишли бўлиб, ҳозир у Москва музейларидан бирида

сақланади. Математик ҳужжатлардан энг каттаси Ахмес папируси ҳисобланади, унинг узунлиги 20 метр, кенлиги 30 сантиметр бўлиб, 1858 йили инглиз коллекционерси Райнд томонидан топилган, унда 80та арифметик, алгебраик ва геометрик масалалар ечимлари билан келтирилган.

Қадимий Мисрдан топилган математик ҳужжатлар илмий трактатлар эмас, балки ҳаётдан олинган амалий масалалардан иборат бўлган, папируслардан кўринишича, мисрлик математиклар даражага кўтаришни, алгебра асосларини, ҳаттоки икки номаълумли тенгламаларни ечишни билишган. Геометриядаги билимлари ҳам юқори бўлган, улар доира юзасини ҳисоблашни, бунда айлана узунлигининг диаметрга нисбатини 3га тенг деб олишган (бу мавзуга кейинроқ яна қайтамиз), учбурчак юзасини, цилиндр ва кесилган пирамида ҳажмларини ҳисоблашни ва бошқа кўплаб мураккаб масалалар ечимларини билишган.

Бобил (Вавилония) математикларининг билимлари эса мисрликларнинг билимларидан юқори бўлган.

Ҳинд математиклари сонларни ҳаммаизга маълум бўлган ўнра рақам билан ёзишни ўйлаб топганлар. Масалан, рим рақамларида ёзилган DCCLXIV сони “беш юз+юз+юз+эллик+ўн - бир+беш”ни, яъни 764ни билдиради, бу мисолда ҳинд рақамларининг устулиги яққол кўриниб турибди. Ҳинд рақамларининг яна бир афзаллиги, уларнинг оламшумул аҳамияти шунда эдики, агар аввалги ҳисоб-китоблар фақат айрим шахслар учунгина тушунарли бўлган бўлса, ҳинд рақамлари пайдо бўлиши билан бундай ҳисоблар оддий инсонлар учун ҳам тушунарли эди.

Миср, Бобил, Ҳиндистон математикларининг билимлари айрим амалий масалалар ечимларидан иборат бўлган бўлса, юнон математиклари бу билимларни маълум тизимга солиб, математик мантиқ фанига асос солдилар, ҳисоблаш математикаси ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Эрамизнинг II асрида яшаган исқандариялик олим Клавдий Птолемей 13 жилдди энциклопедик асар ёзиб қолдирди, бу асарнинг араб тилидаги таржимаси “Алмагест” номи билан бизгача етиб келган. Птолемей жадваллари бизгача етиб келган тригонометрик жадваллардан энг биринчисидир.

Эрамизнинг VI асридан бошлаб юнон математиклари ижоди тўхтаб қолди, то XV асргача Европада христиан черкови

ҳукмронлик қилиб, деярли барча фанлар, айниқса, математика фани қатағонга учради. Бу вақтга келиб, фан ва маданият маркази Шарққа кўчди.

“Ал-Хоразмийдан интернетгача” сарлавҳали мақоламизда (“Xabar”нинг 2017 йилги сонларида) дунёда биринчи компютерни ким яратган-у биринчи ҳисоблаш маркази қерда бўлган, деган савол қўйилган эди ва ўша мақолада баҳоли қудрат компютернинг яратилиш тарихи билан таништирилди.

**Тригонометрик жадвалларнинг аниқлиги ақлни лол қолдиради! Улуғбек жадвалини замонавий электрон ҳисоблаш машиналари билан қуролланган олимлар жадваллари билан солиштириб кўрайлик:**

Sin	Улуғбек жадвали	Замонавий жадвал	Фарқи
20°	0,342020142	0,342020143	-0,000000001
23°	0,390731129	0,390731128	+0,000000001
26°	0,438371147	0,438371147	0,000000000

ган эдик. Энди эса дунёда биринчи ҳисоблаш маркази қерда бўлган, деган саволга жавоб бериш вақти келди.

Маълумки, Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-ҳунар, маданият ва фалсафий тафаккур анча эрта шаклланган эди. X-XII асрлардаёқ нафақат Хоразм, балки Самарқанд ҳам ривожланган илм-фан марказларидан бирига айланган.

Самарқандда маданият, санъат ва илм-фан ривожининг чуққиси Соҳибқирон Амир Темуру ва Темурийлар даврига тўғри келди.

Ўн етти ёшида тахтга ўтирган Улуғбек бутун билими ва куч-гайратини илм-фан тараққиёти ва маданий-маърифий ишларга бағишлади. Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Мирзо ўзининг китобсеварлиги билан шухрат қозонган, ноёб асарлар ва қўлёзмалардан иборат жуда бой кутубхонага эга эди. Улуғбек ёшлигиданоқ кўп вақтини кутубхонада ўтказар ва Афлотун, Аристотел, Гиппарх, Птолемей асарлари билан таниш эди. Қадимий Ҳитой, Эрон, араб олимларининг асарларини мутолаа қилар, ўз ватандошлари Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа алломаларнинг асарларини эса жуда яхши билар эди. Бу ҳақда у ўзининг “Ҳитой, Сурия-Юнон, араб, эронлик, хоразмлик машҳур фалакиёт олимлари Улуғбек баёнида” китобида ёзади.

Биз ушбу мақолада Улуғбек маданий-маърифий, илмий ва меъморий меросининг бир қирраси бўлмиш расадхона ва унда олиб борилган математик ҳисоблар устидагина сўз юритамиз. Расадхона қурилиши 1420

йили бошланиб, 1429 йили битказилди ва ишга тушади. Бу улкан фалакиёт илмий-тадқиқот маркази ўша даврнинг энг замонавий астрономик асбоб-ускуналари ва ҳисоблаш воситалари билан жиҳозланади.

Расадхонада Улуғбек ва унинг шогирдлари математик тадқиқотлар олиб бориш билан бирга жуда катта ҳисоблаш ишларини бажардилар. Расадхонада тузилган тригонометрик жадваллар ҳисоблаш математикаси тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Кези келганда шунини айтиш лозимки, ушбу жадваллар ҳаммамиз учун таниш бўлган ўнли касрларда келтирилган, ўнли каср тушунчасини эса Улуғбек мактабининг кўзга кўринган йирик номояндаси Ғиёсиддин Жамшид Коший Европандан 175 йил илгари киритган.

Улуғбек расадхонасида бажарилган яна бир ҳисоб аниқлиги устида тўхтайлик, бу айлана узунлигининг диаметрга нисбати — π сонининг ҳисобидир. Юқорида айтилганидек, қадимий Мисрда бу сон 3га тенг леб юритилган, Архимед  $3\frac{10}{71} < \pi < 3\frac{1}{7}$  аниқликда ҳисоблаган, Беруний вергулдан кейинги еттинчи рақам аниқлигида, Улуғбек шогирдлари эса вергулдан кейинги ўн олтинчи рақам аниқлигида ҳисоблашган.

Улуғбек расадхонаси, унинг мактаби жаҳонга нафақат иқтидорли математикларни етказиб берди, балки бу ерда ҳисоблаш ишлари биринчи марта олимлар жамоаси томонидан олиб борилди. Бу ишлар қўлами, уларнинг аниқлиги, қўлланган математик усуллар ва уларнинг натижалари туфайли Улуғбек расадхонаси ҳақли равишда “дунёда биринчи ҳисоблаш маркази” деб тан олинган.

Шарқ классик астрономиясининг амалий ва назарий масалаларини ўзида мужассамлантирган шоҳ асар “Зижи жадиди Кўрагоний” асрлар ва мамлакатлар оша умумжаҳон фани қасрига қўйилган бебаҳо дурдона бўлса, Улуғбек расадхонаси ҳисоблаш математикаси тарихининг ёрқин саҳифасидир.

**Муаззам ОРТИҚОВА,**  
ТАТУ “Мултимедиа технологиялари” кафедраси доценти



# САБОТ БИЛАН ЭРИШИЛГАН БАХТ



**Профессор Пўлат Фаттоҳович кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган ажойиб оиланинг соҳиби эди. У рафиқаси Раъноҳон она билан бахтли, ҳаммага ўрнатилган бўладиган даражада 50 йилдан зиёд бирга яшаб, тўққиз фарзандни вояга етказишди.**

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди. Ушбу улуғ ва фараҳбахш кунларда узоқ йиллар биргалликда, бир мақсад йўлида меҳнат қилган инсон сифатида қадрли устозим, ҳамкасбим, дўстим, маслакдошим бўлган, мустақил Ўзбекистон Республикасининг криптография соҳасида дунёга танилишига улкан ҳисса қўшган таниқли олим, профессор Пўлат Ҳасанов (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олсин) ҳақида ёзмаликни бurch деб билдим.

Мен Пўлат Ҳасановнинг умр йўллари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Зеро, улар машаққатли ва сермахсул — Ўрта Осиё политехника институти катта ўқитувчилigidан фан докторлигигача, пировардида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, “Олий таълим аълоҳиси” нишонларига эришишгача бўлган йўллардир. У киши чуқур билим ва кенг тафаккурга эга серқирра олим сифатида ахборот-ўлчов техникаси, электр занжирлар назарияси, роботехника, ахборот-коммуникациялари, ахборот ҳавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш ва масофавий таълим йўналишларида илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилганлигини алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритган кўпчилик яхши билади. Илмий фаолияти давомида 300дан ортиқ илмий ишлар, 10дан ортиқ монография,

ўқув дарслиги ва ўқув қўлланмалари, 50дан ортиқ ихтиролик патентлари ва муаллифлик гувоҳномалари муаллифи эканлигини ҳам.

Мен Пўлат Фаттоҳовичнинг юртимиз илм-фанига қўшган муҳим ишлари ҳақида гапирмоқчиман. Уларнинг бири олим бўлиш йўлидаги излашлари давомида ўзининг диматрицалар номини олган алгебрасини яратгани ва уни ўша пайт учун ниҳоятда мураккаб бўлган электр занжирларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишга олиб кирганидир. Бу иш жуда ҳам осон ва аниқ усул сифатида қабул қилинди ва ахборот ҳавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш йўналишида асос бўлиб хизмат қилди.

Таниқли олим, устозимиз Пўлат Фаттоҳович яратган алгебрада параметрлар сонини кўпайтиришни Ўзбекистон Республикасининг криптографик алгоритминини яратишга асос қилиб олиш мақсадида 1999 йили ўзим раҳбарлик қилаётган Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказига ишга таклиф қилдим. Устоз билан бир неча ойлар давомида ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича ишладик. Шу даврда “Криптографик алгоритмлар криптобардошлигини тадқиқ қилиш” мавзусидаги илмий иш устида ишлаётган эдим ва Пўлат ака ушбу илмий-тадқиқот ишига масъул ижрочиликни зиммасига олди.

си, 2009 йили эса “Рақамли имзони шакллантириш ва аутентификациялаш усули” ихтироси “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтиро” республика танловларида I-даражали диплом билан мукофотланди.

2010 йили профессор Пўлат Ҳасанов раҳбарлигида “Криптография йўналишларининг илмий раҳбари сифатида республика ахборот ҳавфсизлигининг энг ишончли йўналишларидан бири бўлган криптография йўналишининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Унинг илмий раҳбарлигида 2005-2006 йилларда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида ахборотнинг криптографик муҳофазаси бўйича қатор муҳим давлат стандартлари ишлаб чиқилди. Уларнинг асосийси Пўлат ака Ҳасанов томонидан ишлаб чиқилган диматрицалар алгебрасини криптографияга қўллашдан иборат эди.

Бу давлат стандартларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши Ўзбекистон Республикасининг криптография соҳасида дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. 2008 йили профессор П. Ҳасанов раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Криптографик коммуникация, аутентификация ва махфий калитлар генерациясининг диаэкспоненциал тизimini яратиш усули” ихтиро-

**Бахт замини замонага туташ, Юрт юксалса, юксалар бахт ҳам. Буюк бахтга ижод ва кураш, Сабот билан етишар одам.**

**Рихис ИСАЕВ, ТАТУ профессори**

## ҲИҚМАТЛАРГА ТЎЛИҚ ҲИҚОЯ

Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Курбон бобо Сатторов билан учрашув бўлиб ўтди. Унда АКМдан фойдаланувчилар ҳамда телекоммуникация ва почта корхоналари амалиётчилари иштирок этдилар.

Бобонинг уруш фожиаси, бошидан ўтказган қонли жангу жадаллардан мисоллар келтириб Ҳикоя қилгани қанчалар таъсирчан чиққан бўлса, тинчлик, ер, сув, ҳаво, табиат бойликлари — бебаҳо неъматлар эканлиги борасидаги ўғитлари, исрофгарчилик, тўй-томошалардаги дабдабавозликларнинг оқибатлари борасидаги кузатув-хулосалари таъсири нундан ҳам кучли бўлди. Ўқув залига сукунат чўкди. Бир-икки сония жимликнинг ўзиге жанг майдонларидан омон қайтган, фаровон ҳаётнинг қарор топиши йўлида ҳаловат билмаган инсонни тинглаш нечоғли муҳим

эканлигидан далолат эди.

Курбон Сатторов қизига, нон тайёрлаш жараёнининг машаққатини бошидан ўтказиши учун, республика миқёсидаги раҳбар бўлишига қарамай, далада бугдой ўрдирган, бугдойнинг тегирмонда унга айлантириш заҳматини кўрсатган, ва ниҳоят, хамир қордириб, тандирда нон ёптиргани тингловчилардаги бу доғишманд инсонга бўлган қизиқиш ва эҳтиромни кучайтириб юборди. Ҳикоятларга тўлиқ ҳикоясини яқунлар экан Курбон бобо қўшимча қилди: — Сизларга жуда-жуда ҳавасим келади. Хур, мустақил Ўзбекистон фарзандларисиз. Бахтли келажакнинг учун Президенти-миз барча шарт-шароит, имкониятларни яратиб қўйган. Улардан фойдаланиш учун ҳуқуқий билимларингизни мустаҳкамлаш, чуқур илм олиш йўлида ғайрат қилинг. Бунинг учун эса, ёдин-гизда бўлсин, ҳар бир дақиқангизни қадрлашингиз

зарур. Вақтнинг қўлидан маҳкам тутмасангиз борми, бахт қўшингиз учуда-кетадик, сезмай ҳам қоласиз. Олий маълумот олиб, жамиятда муносиб ўрин топинг. Уйимда йигирма минг китобим бўлса ҳам кутубхоналарга бориб тураман. Кутубхона остонасига қадам қўяр эканман, аввало унга таъзим қиламан. Нима учун? Чунки китоблар ва газета-журналлар, ҳамма-ҳаммаси — комилликка етакловчи ҳазина, элимизнинг энг улкан бойлиги. Мана, кутубхоначи опарларингиз кўришиди — ҳозир ҳам кутубхонага таъзим қилиб кирдим. Сизлар ҳам шундай қилинглар. Китоблару газета-журналларини йиртманлар, букламанлар, эҳтиётланлар, азиз болаларим.

Тавозе, камтарлик, ҳокисорлик фазилатлари нури юз-кўзларини еритиб турган Курбон бобо сабоқлари ёшларни камолотнинг ўзлари тасаввур қилганларидан ҳам ёрқинроқ йўларига чорлаётди.

## ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом (1903-1966) таваллуд кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ҳам вилоят ахборот-кутубхона марказида гоёқ кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тадбирда филология фанлари номзоди Набижон Солиев шоирнинг таржмаи ҳоли ва бой маънавий мероси ҳақида атрофлича маъруза қилди. Олим шоирнинг “Сен етим эмассан”, “Мен яхудийман” шеърларининг ёзилли тарихи, “Шум бола” асари, юмористик ҳикоялари, жумладан, “Меннинг ўғригина болам” ҳикояси ва “Алишер Навоий ва бизнинг замонамиз”, “Муқимий” публицистик ва бошқа қатор илмий мақолаларининг аҳамияти тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар берди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан Фафур Фулом ҳақидаги суҳбатларини ёлға олди. Унинг “Алвидо, устоз!” шеъри қандай яратилгани, нима учун Фафур Фуломга академик шоир унвони берилгани, паҳлавон шоир деб аталганининг сабаблари билан боғлиқ фикрлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Иштирокчилар — АКМ китобхоналари, почта ва телекоммуникация соҳалари амалиётчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Фарғона санъат коллежи ўқувчиларининг “Шум бола” асари бўйича тайёрлаган саҳна кўриниши иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади.

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири



# СОДИҚ БОБОНИНГ 95 – БАҲОРИ



тиллашиш, нишонга отиш сирларини ўрганиш керак.  
Шу пайт кимдир аста чақирди:  
– Ўртоқ Тешабоев!  
– Ҳа, нима гап!  
– Вақт бўлди.  
– Хайр, – деди домласи маҳзун тортиб. – Худо сизларни ўз паноҳида асрасин, насиб этса, кўришиб қолармиз.

Лекин тақдир уларни бошқа учраттирмади. Бу меҳридарё олижаноб инсон Украинанинг Николаев вилояти Скадовская туманида яшаётган ўзбек болалари учун очилган махсус интернатда дарс берар, у ҳар бир болани “Жигарбандим” деб эркалаб мурожаат қилар, шу боис болалар уни жуда яхши кўришарди. Дарҳақиқат, фурсат етиб 18 ёшга тўлгач, Содиқжон армияга чақирилди. Чолбас шаҳрида йигирма кунлик жанговар тайёргарликни ўтади. Жанг қилиш асрорларини тез ва пухта ўрганиб олди. 1-Украинанинг отлик аскар бўлиб юборилди. Уларни дастлаб Крим ҳимоясига ташлашди. Жангу жадалларда асло ўзини йўқотиб қўймади. Керч йўналишида Большая Лопата қишлоғи яқинидаги ҳужумда ўнг елкасидан яраланди. Астрахандаги госпиталда даволангач, Сталинград шаҳрига юборилди. У ерда 27 кун жанг қилдилар. Кейин Ворошиловда бўлишди. Калинин шаҳрида ўн кун отлик армия сафига тайёргарлик бўлди. Сўнг отлик аскарлар билан пиёдалар Полшани озод қилиш жангларига иштирок этдилар. Ушанда 49-отлик полкда оддий аскар эди. Уруш даҳшатлари қанчалар аянчли бўлмасин, жанг қилганга етмайдди. Ватан учун, ота-онам учун, оилам учун, дея жонингни тикар экансан, ҳеч нарсадан қўрқмайсан. Фақат кўзингга озодлик аталмиш бахту саодат кўринади.

Полшани озод қилиш жангларидан ўнг сони мажақланди. Уни Боку шаҳридаги 3652-эвакуация госпиталига олиб кетишди.

– Тақимингиздан пастини кесиб ташлаймиз, акс ҳолда...  
Жарроҳларнинг тилидан учган ҳукм жонини нақ бўғзига келтирди:

– Акс ҳолда ўламан... Шундайми? – деди у азобини базўр ичга ютиб. – Ўлим билан кўрқитолмайсиз. Жангларда неча бор ўлиб, неча бор тириляпман. Санаб адоғига етолмайсиз. Хўпми?! Оёқсиз ўлгандан оёқли ўлган аъло!

Бу ҳазилми, кесатикми – жарроҳлар бир-бирига таажубланганча қараб қолишди.

– Гапнинг қисқаси, жаноби дўхтирларим, мен оёғимни беғона юртларга ташлаб кетмайман.

Бу хитоби жарроҳларни баттар ҳайрон қолдирди.

– Бу аскар ё жуда-жуда доно ёки бориб турган телба, – деди бири жиғибийрони чиқиб. – Худдики биз унга ёмонлик тилаётган душманмиз. Тавба! Юр, биродар, ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Қанча ярадорлар кутиб туришибди.

– Боринглар, боринглар, тошларингни теринглар, – деди у ўзбекчалаб. – Агар чиндан ҳам доно бўлсам ота-боболарим униб-ўсган, дунёда тенгсиз Доно қишлоғимга икки оёқда кириб борарман ёки... дедию юраги ортига тортиб кетди, зор-интизор йўлларига илҳақ турган онажониси кўз олдига келди, бир сония сукунатда қотди-да деди. – Бу ёйига худо – пошшо! Умримдан бўлса яшарман. Аллоҳнинг айтгани бўлади.

Бу қайсар ярадорни барибир ташлаб қўйишмади. Уч ой барча даво чораларини кўришди. Қолган-қутган осколаларни териб олиб, суякларни улашди, ўстиришди. Икки қўлтиқтаёқда юрадиган бўлгач, 1944 йилнинг октябр ойларидан онажониси ва рафиқасининг ҳузурига – Мелеченка қишлоғига йўл олди.

1945 йилнинг январ ойида (ота-онаси қулоқ қилинганда у беш-олти ёшларда бўлган) “Қайдасан, Ўзбекистоним! Қайдасан, Доно!” дея йўлга чиқишди. Йўл-йўлакда отасининг “Ҳаммасига чидайман. Бироқ, Ватан соғинчига чидолмайман. Сен Ватанга қайтишинг, чирогимизни ёқиб ўтиришинг керак” – деганлари қулоғи остидан кетмади. Қарангки, ота васиятини адо этиш учун қанча ўлимларни доғларда қолдирибди-я!

Қўлтиқтаёқда бўлса ҳам отаси учун армон бўлган заминга етказди. Очарчилик, оғирчилик, “Қулоқ” деб ёвқарашлар мусибатларига ҳўб чидашди. Бироқ, бу дунёда яхшилар кўп. Уларнинг хайрихоҳликлари, эътиборлари шарофати билан, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги сабаб ўрин топти, обрў қозонди. Аввал монтерлар тайёрлаш курсида ўқиди. 1946 йил сентябр ойдан Учкўприк алоқа тармоғида иш бошлади. Бошлиқ Голдман деган ажойиб инсон эди. Касб ўргатишдан чарчамас, йўл-йўриқ берадиган, ширин сўзи билан рабатлантирадиган меҳрибон раҳбар эди. 120 рақамли қўлда бошқариладиган коммутатор, Морзе телеграф аппаратурани ўрнатилгани тарихий воқеалар – хайрли ишлар бошида бўлганлиги билан Содиқжон ота узоқ йиллар фахрланиб юргани рост. 240 рақамли ЦБ коммутатори, СТ-35 телеграф аппаратури ўрнатилган, янги алоқа биноси қурилган кунлар қувончини кекса алоқачи, жангчи зўр ҳисҳаяжон билан эслайди. ЛТС бошлиғи лавозимда ишлаган йилларини ҳам зўр мамнуният билан хотирлайди. Бўлмасамчи, телекоммуникация соҳаси ривожига қирқ йиллик ёшлик кудратини бахшида этгани билан Содиқ бобо Мамаюсовлар ҳар қанча гурурланса арзийди.

... Айни кунларда Президентимизнинг эътиборидан бобонинг боши осмонларга етди. Хонадони ҳам ҳар қачонгидан гавжум. Ҳокимлардан тортиб барча ташкилотларнинг раҳбарлари ташрифи қалбини ифтихор тўйғуларига тўлдириди. Барча мактаблардан ўқувчилар келганини айтмайсизми! Айниқса, “Ўзбектелеком” АК Фаргона филиалидан Владимир Ежков бошчилигида касаба уюшмаси қўмитаси раиси Машрабжон Раҳимов, бири-бирдан навқирон, зукко ҳамкасблари кириб келишганда бобонинг мижжалари ёшланди. Улар сиймосида бобо ўзининг олов ёшлигини кўрган бўлса не ажаб!

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**  
“Хабар”нинг Фаргона  
вилоятидаги мухбири

– Разведкачилар келишди!..

Бу хабарни эшитиб болалар ўша томонга илдамлади. Содиқжон разведкачиларни кўришни кўпдан орзуларди. Қараса улар орасида ўқитувчиси ҳам бор экан. Севиниб кетди. “Устоз! Ассалому алайкум, устоз!” дея олдига югуриб борди.

– Э, баракалла, Мамаюсов! Уйдагилар яхши юришибдими?

– Дадам билан қайнотамни, барча биз каби “қулоқ қилинганлар”ни Қозогистонга олиб кетишди.

– Қайнотам? Ййе, ҳозир-даноқ уйланидигми? Ҳали ўзинг боласан-ку!

– Мелеченка қишлоғимиз қамалда қолгач, ота-онам мени уйлаб қўйишди, Мухаррамойни эҳтиётлаш учун.

– Э, шундоқми? Тўғри қилишибди. “Қулоқ” тамғаси босилганларга икки томонлама жабр бўляпти-да. Сен бўш келма. Маҳкам бўл.

Шундан кейин домла Тешабоев фашистларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликларидан гапириб берди. Юзлаб болачаларни ҳам оналаридан юлқиб олиб, Германияга жўнатишмоқда. Аёлларни таҳқирлаб, отиб ташлашмоқда. Айримларини концлагерга юборишяпти.

– Болаларни-чи?

– Соғломларидан генетик тадқиқот ишларида фойдаланишаркан, нимжонларини йўқ қилиб юборишар экан.

– Ё тавба! Нақадар ваҳшийлик!


Тили калимага келмай қолган Содиқжоннинг нафрати тўлиб-тошиб қўли мушт бўлиб тугилди.

– Муаллим, мени ҳам олиб кетинг разведкага, – деди ўрганиб. – Катта бўлиб қолганман, урушга ярайман.

– Оилали бўлсанг, қаёққа ҳам борасан. Ҳарбий тайёргарликдан ўтиш, курол-яроғ билан

Суратда: Содиқжон бобо ҳамкасблари билан.





## ҚУРУҚ ГАП КИМГА КЕРАК? Борини бор деб кўрсатайлик!

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" ярмаркаси ташкил этилди. Бакалавр ва магистрлар, ёш олимлар дастурий ва технологик, жами 100дан ортиқ ишланмаларини тақдим этишди. Булар шунчаки лойиҳа эмас — тайёр, қўллаш бошлаб юборилган ишланмалар.

— Менинг лойиҳам — "Тиббий ташхис қўйишда автоматлаштирилган тизим" асосан болалар касаллигига ихтисослашган, — дейди лойиҳа муаллифи, ТАТУ IV босқич талабаси Феруза Умаралиева. — Бу тизим орқали қон таҳлиллари ва анализ натижаларисиз ҳам маҳаллий кенг тарқалган касалликларни аниқлаш мумкин. Ҳозирча компьютерларда ишлайди. Агар лойиҳамиз фойдали деб топилса мобил иловасини ҳам ишлаб чиқамиз.

Ярмаркада "Ақлли иссиқхона" лойиҳаси ҳам

этиборимизни тортди. "Ақлли иссиқхона"да ҳаво ҳарорати, ер ва ҳаво намлиги, сув даражаси мунтазам ўлчаб борилади. "Ақлли иссиқхона"нинг андронд телефонлар учун иловаси ҳам бор. Иловада юқорида саналган барча кўрсаткичлар акс этиб туради. Энг муҳими, у реал вақт давомийлигида бу жараёнларни масофадан бошқариш имконини беради.

— Лойиҳани такомиллаштириб камера ва турникетлар ўрнатишни режалаштирганмиз, — дейди "Ақлли иссиқхона" муаллифи, IV босқич талабаси Зоирхўжа Ўлмасхўжаев.

ТАТУ махсус факультети талабаси Алишер Ибрагимовнинг "Универсал кузатув мосламаси" ишланмаси тунги кўриш мосламаси, сувда кузатиш мосламаси каби ускуналар билан ишлайди. Ташқи таъсирларга, айниқса, зарбага чидамли эканлиги билан ажралиб туради.

"Атроф-муҳит экологик мониторингини" ишланмаси

эса сув-ҳаво, тупроқ шароитларини реал вақт режимида ўлчаб боришда қўл келади. Ҳар бир вазифа учун турли кўрсаткичлар (датчиклар) ўрнатилган. Улар ҳаво ҳароратини, тупроқнинг намлигини, шунингдек, ер ости сувининг кўтарилиши ва пасайишини, ернинг шўрланиш даражасини аниқлайди. Ушбу кўрсаткичларни онлайнда махсус ускуна ва дастур маълумотлар базасига етказиб туради.

— Бу дастур ва ускуналар қишлоқ хўжалигимиз учун фойда келтиришига, бир қанча муаммоларни ечишига ишонаман, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Темур Кўчоров.

"Ichat.uz" дастури — ярмаркада тақдим этилган ўзбекча ижтимоий тармоқ. Базаси ва сервери Ўзбекистонда жойлашган. Бу унинг ахборот хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлайди. Буни бемалол ёшларимизга тавсия қилиш мумкин.

— Бу йил талабаларимиз ҳар йилгига нисбатан ҳам

кенг қўламлироқ ва аниқ бир муаммони ечишга қаратилган дастурий ишланмаларини яратишди, — дейди ТАТУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Ботир Усмонов. — Масалан, "Веб-ресурсларни DDoS-ҳужумлардан ҳимоя қилувчи дастур", "My School" дастури, "Интернет ТВ", "Ақлли катакча", "Smart Credit", "goTrip.uz" каби амалда ишлаб турган бир қанча дастурларни санаб ўтишим мумкин. Ярмаркада тақдим этилган дастурлар ва ишланмалар ҳам деярли фойдаланишга тайёр. Бу дастурларнинг каталогини ишлаб чиқдик, каталогни корхона-ташкилотларга тақдим этамиз. Ўзларига маъқул дастурни танлаб олиб биз билан ҳамкорлик қилишлари мумкин. Ярмаркани ўтказишдан мақсадимиз ҳам шу — қуруқ гап кимга керак? Борини бор деб кўрсатамиз.

Фулмонжон НАЗАРОВ,  
ТАТУ талабаси

### ЭЪЛОН

## "ALSKOM" СУГУРТА КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 109-уй манзилида жойлашган (электрон почта манзили: info@alskom.uz, веб-сайт: www.alskom.uz) "ALSKOM" сугурта компанияси акциядорлик жамияти 2018 йил 26 май соат 10.00да компания маъмурий биносига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказди.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00да бошланади.

Йиғилишда иштирок этиш учун акциядор ва унинг вакили шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), шунингдек, акциядор — jisмоний шахс вакили нота-риал тасдиқланган ишончнома, акциядор — юридик шахс вакили ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиши лозим.

Умумий йиғилиш ўтказилишини маълум қилиш учун акциядорлар реестри шакллантирилган сана: 2018 йил 11 май.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри шакллантирилган сана: 2018 йил 22 май.

Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. 2017 йил фаоляти якуни бўйича компания Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи.

3. 13-эмиссия акциялари тўлиқ жойлаштирилгани муносабати билан компания Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот миқдорини тасдиқлаш.

4. Компаниянинг 2017 йил молия-хўжалик фаоляти натижалари ва 2018 йилга компания Бизнес-режаси параметрлари тўғрисида Бош директор ҳисоботи.

5. Компаниянинг 2017 йил молия-хўжалик фаоляти текшируви натижалари тўғрисида Тафтиш комиссияси ҳисоботи.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ компаниянинг 2017 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботини аудиторлик текшируви натижалари ҳақида мустақил аудитор ҳулосаси.

7. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган компа-

ниянинг 2017 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботини халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви натижалари ҳақида мустақил аудитор ҳисобот-ҳулосаси.

8. 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.

9. 2017 йил учун компания соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.

10. Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

11. Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш.

12. Компаниянинг аффилиланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимларни маъқуллаш масаласини кўриб чиқиш.

13. Компаниянинг тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаоляти билан боғлиқ йирик битимларни маъқуллаш масаласини кўриб чиқиш.

14. Хайрия (ҳомийлик) ёки бегараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш.

15. "ALSKOM" сугурта компанияси акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси, Ижро органи ва меҳнат жамоасини моддий рағ-



батлантириш Тартиби"ни янги таҳрирда тасдиқлаш.

16. Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёрланган ҳисоботлар ва маълумотлар билан компаниянинг Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 109-уй манзилида жойлашган маъмурий биноси ҳамда www.alskom.uz корпоратив веб-сайтида танишишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон:  
(371) 147-11-00.

"ALSKOM" СК АЖ Кузатув кенгаши



# КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ




## 14-ДАРС. Интернетда маълумот қидириш

Интернет — турли мавзулардаги ва хилма-хил ахборотлар манбаи. Интернетда керакли ахборотни қидириш учун махсус сервислар — қидирув тизимлари бор. Агар улардан тўғри фойдаланишни ўрганиб олсангиз, исталган саволингизга жавобни, хоҳлаган нарсангизни топа olasiz. Ўзбек ва хорижий тилларда қидиришда Google.com жуда қулай, шунингдек, рус тилида Yandex.ruнинг имкониятлари ҳам чакки эмас. Умуман, ҳар қандай тизимнинг ишлаш тамойили жуда оддий: қайси сўзни ёки иборани киритсангиз — шу сўз ва иборалар қатнашган интернетдаги барча манбаларни топиб беради.

### Google тизимида ахборот қидириш

Масалан, тизим орқали Алишер Навоий ҳақида маълумот қидирамиз. Натижалар эса қуйидагича (1): Суратдан кўриниб турибдики, Google бизга Навоий ҳақидаги 771 мингта маълумотни топиб бер-



ди. Суратдаги эса шулардан дастлабки икки-учтаси, холос. Одатда ҳамма тизимларнинг биринчи саҳифасида интернетдаги энг йирик кутубхона — Wikipedia натижалари чиқади. Буюк бобомиз ҳақидаги энг батафсил маълумотлар ҳам шу манбада, жуда кўплаб тилларда ва ҳаволалар билан жойлаштирилган. Суратдаги онлайн харита эса Тошкентдаги Алишер Навоий номи билан аталувчи жойлар — кўча, санъат саройи, театр ва бошқа манзилларни акс эттирган.

Маълумот учун: агарда сизга шоирнинг ўзи ҳақидаги маълумот эмас, балки унинг асарлари керак бўлса, масалан, “Навоий газаллари” ёки “Хамса” деб қидирсангиз керакли маълумотга тезроқ эга бўласиз.

Бошқа маълумотлар ҳам худди шундай: агар сиз бирон нарсанинг фақат номини қидирсангиз, масалан, “Nexia автомобили” ёки “iPhone смартфон” деб қидирувга сўз киритсангиз улар ҳақидаги умумий маълумот биринчи бўлиб чиқади. Агарда қидирувга “Nexia сотилди” ёки “iPhone сотилди” каби жумлаларни киритсангиз бевосита олдинсоти билан боғлиқ веб-сайтга ҳаволалар чиқади.

Қидирувни тизимнинг умумий бўлимидан ташқари, суратлар, видео, янгиликлар бўлимларида ҳам амалга ошириш мумкин. Умуман, тизимнинг имкониятлари сиз ўйлаганингиздан кўра минглаб қарра кўп, бунга интернетда ишлаш кўникмангиз ошиб бориши барабариди ўзингиз ҳам амин бўласиз.

## Интернетдаги маълумотни компьютерда сақлаш

Ўзингиз учун керакли маълумотни интернетда топганингиздан сўнг, ундан кейин ҳам фойдаланмоқчи бўлсангиз компютерингизга сақлаб олинг. Саҳифани тўлиқ сақлаб олиш ҳам мумкин. Бунинг учун:

1. Курсорни саҳифа фони (исталган бўш жой)га олиб боринг.
2. Сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ёки CTRL + S клавишларини теринг.
3. Пайдо бўлган менюдан “Сохранить как” (“Қандай сақлансин”) ёзувини танланг.
4. Очилган менюдан сақлаш учун, масалан, “Рабочий стол”ни танланг.
5. Агарда саҳифанинг фақат матни керак бўлса, файл номи остидаги банддан “Веб-страница, только HTML”ни танланг. Саҳифанинг суратлари ҳам керак бўлса “Веб-страница”ни танлаш керак.
6. “Сохранить” тугмасини босинг. Саҳифа иш столингизда сақланади. У қачон керак бўлса интернетга уланмасдан ҳам кириб фойдалана olasiz.

## Интернетдаги суратларни компьютерга кўчириб олиш

1. Керакли суратни танланг ва сичқончанинг ўнг тугмасини босинг.
2. “Сохранить изображение как” бандини танланг.
3. Пайдо бўлган ойнада суратни сақлаш учун жой (папка)ни танланг ва файлни номланг.
4. “Сохранить” тугмасини босинг.

(Давоми бор.)

Сабоқларимизни нузатиб боринг. 15-дурс компьютерда ва интернетда ишлаш хавфсизлигига бағишланади.

## НУҚТАИ НАЗАР

# КИТОБЛАР КЎП, АММО КИТОБХОНЛАР-ЧИ?..

Хозир қай бир оммавий ахборот воеитасига назар солманг, юртимизда китоб тарғиботи жуда ҳам кенг қамровли амалга ошириляётгани, кўплаб мутолаа мусобақалари ташкил қилинаётганини бот-бот таъкидлаб ёзмокда. Бу гапларда қайсидир маънода жон бор. Шахсан Юртбошимизнинг ўзи китобнинг жамиятимиздаги ўрнини оширишга эътибор берапти. Китоблар нашрлари кўпаймокда, кутубхоналаримиз фондидаги китоблар сони ўсиб борапти. Электрон кутубхоналар, электрон китоблар базалари ташкил қилинмокда. Аммо китобхонлар-чи?..

Бугун мамлакатимиздаги кутубхоналар қанчалик гавжум? Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги маълумот беришича, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг 182 мингдан ортқ азвоси бор. Охириги 10 ой мобайнидаги рақам-

ларга эътибор қаратадиган бўлсак, кутубхона аззолари 24 мингдан зиёда кўпайган. Унинг хизматидан фойдаланганлар жами 775 минг 568 нафар бўлса, шундан кутубхонага келганлар 659 минг 994, кутубхона веб-сайтдан фойдаланганлар эса 115 минг 574 кишидир. Фойдаланувчиларга китоб бериш 4,5 миллиондан ошган бўлса, веб-сайтдаги икки манбага 390 мингта яқин мурожаат бўлган.

Энди бунга Буюк Британия кутубхонаси билан солиштириб кўрамиз... Ушбу кутубхонага ҳар йили 3 миллион янги адабиёт кўшилади, кунига ўртача 16 000 (ойига камида 480 минг) китобхона ташриф буюради. Агар кунига Буюк Британия кутубхонасида сақланаётган 5та китоб ўқилса, жами манбаларни ўқиб тугатиш учун 18 минг йил керак бўлади. Умуман, аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаганда (бу мамлакат аҳолиси бизникидан икки ба-

равар кўп) британияликлар бизга қараганда анчагина кўп китоб мутолаа қилиши ойдинлашади.

Китоблар тарғиботини оширганимиз сари ёшларимизнинг ҳам мутолаага қизиқшини кучайтириш долзарб масала бўлиб қолмокда. Умуман олганда ушбу фикрларимизда ҳам гализлик бор. Нега фақат кутубхоналарда китобхонлар ўрнини мустақамлаш керак? Китобхонлар кутубхонада бўлади, дегани эмаску! Аслида ҳар бир оиланинг ўзида кутубхона ва китобхонлари бўлиши лозим. Ана шунда бизда китобхонлар ва кутубхона ўртасида ҳеч қандай статистикага ўрин қолмайди, китобхон ва кутубхона ўртасидаги алоқалар мустақамланади.

Тенгқурларимиз орасида китобхонлар бор, албатта. Айниқса, электрон китоблар ва кутубхоналардан унумли фойдаланилмокда. Аммо ёшларимизнинг умумий сонига нис-

батан бу кўрсаткич катта деб айта олмаймиз.

Китоб мутолаасининг жамият тараққиётида тугган ўрни, ёшлар тарбияси ва маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Китобсиз тараққиётта, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллитнинг ҳам келажаги йўқ”, — дея таъкидлайди. Демак, биз ўз келжагимизни, албатта, китоблар ва уларда ёзилган билимлар орқали курамиз. Бунга китобларнинг қанчалик кўп нашр этилиши билан эмас, балки кутубхонага ташрифлар билан ўлчасак, менимча, маъкул бўлади. Шунда китобларнинг ҳам, китобхонларнинг ҳам, кутубхоналарнинг ҳам жамиятимиздаги ўрни мустақамланиб боради.

Солиҳжон ЙЎЛДОШЕВ,  
ТАТУ IV босқич талабаси

# 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## БОЗОР

### ЕВРОПАДА КЕСКИН ПАСАЙИШ

Canalys hisob-kitoblariga kўra, joriy yil birinchi choragida Evropa smartfonlar bozori tarixidagi eng yirik pasayish kuзatildi: 46 mln. dona kuзilma sotildi — bu utgan yil birinchi choragidagidan 6,3 foizga kamdir.

Markaziy va Sharqiy Evropaдaги 12,3 foizlik u'sish (jami 15,9 mln. kuзilma)ni Farbiy Evropaдaги pasayish bosib ketdi: jami 30,1 mln. dona kuзilma sotildi, bu yillik kesimda 13,9 foizga ozdir.

Eng sezilarli pasayishlar Buyuk Britaniya (-29,6 foiz), Frantsiya (-23,2 foiz), Germaniya (-16,7 foiz)da kuзatildi. Eng yuqori u'sish esa Rossiyaда — 25,4 foiz.



## РЕЙТИНГЛАР

### ЭНГ КУЧЛИ СМАРТФОН


AnTuTu kompaniyasi u's sinov-tajribalari asosida eng kuchli smartfonlar reytingini z'olon qildi. Bu saфарgi reytingda yangi nom pайdo buldi va biratula birinchi urinda: Xiaomi Black Shark. Uyinlar uchun muljalланган bu telefon utgan oyda taқdim etilgandi.

Xiaomi Black Shark smartfoni AnTuTu testlarida 272 mingdan yuqori ball tupladi. Utgan saфарgi etakchilar — Samsung Galaxy S9+ hamda Galaxy S9 ikkinchi va uchinchi uyinlarни band etdi.

Kuchli uchlik smartfonlari Snapdragon 845 prosessorlariga kuзilgan.

Utgan yili kuchli unlikka kirgan OnePlus 5T va OnePlus 5 smartfonlari hamon urini saқlab turibdi.

## БИЗНЕС



### ИТТИФОҚЧИЛАР ДУШМАНГА АЙЛАНИШДИ

Ikki kompaniya birlashishi tu'g'risida bitim bekor qilingani may oy bo'shida maълum bulgandi. Xerox kompaniyasi xabarни rasman 14 may kuni tasdiqladi. Bunga Fujifilm 2018 yil 15 apreliga qadar Fuji Xerox moliyaviy natijalariga doir mustaqil auditorlar hisobotini taқdim etmagani sabab bulgan. Olingan maълumotlar esa shartnoma imzolanganicha bulgan maълumotlar bilan mos kelmagani.

Umunan, Xerox kompaniyasida uzgarishlar katta: bosh direktor Jеff Яkobson bu'satildi, direktorlar kengashidagi tu'kkuз kishining besh naфari ham almashiriladi.

Xerox qarorlaridan norozi bulgan Fujifilm sudga arz qilmoқchi.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

### FACEBOOK — U'SМИРЛАР UЧУН МАХСУС ПОРТАЛ

Facebook ijtimoiy tarmoni servisdan xavfsiz foydalanish borasida usmirlarга maslahat beradigan yangi e'sharbop portalni ishga tu'shirmoқda. Kompaniyadagilar taъkidlashicha, ijtimoiy tarmoni algoritmlari joriy oy bo'shidan buye yangiliklar tasmasida usmirlarга turli maslahatlarni berib kelmoқda.

Portal bu'limlari, masalan, kimnidir qanday qilib blok-lash borasida maълumot beradi. Ayrim maълumotlar foydalanuvchilarning ijtimoiy tarmoni foydalanishni boshlashga e'rdam beradigan jurnalistik formatdagi maқolalariga asosan tu-zilgan. Shu bilan birga, yangi portal — bu shunchaki aхborotlar saқlafa.

Amerikalik tadqiqotchilar fikricha, Facebook usmirlar va e'shar orasida omaviyilgini i'yoqotmoқda. 2018 yili AQShda Facebookdan foydalanuvchi 18 dan 24 e'shacha bulganlar sони 5,8 foizga kamaygan.



### ЭНГ ТЕЗ МОБИЛ ИНТЕРНЕТ

Ookla servisi mobil internetni eng tez ishlovchi smartfonlarni aniqladi. Speedtest natijalariga kўra, Samsung kompaniyasining Galaxy S9 va S9+ flagmanlarida internet asosiy raқobatчisi — iPhone X dagidan 37 foiz tezroқ ishlaydi.

Servis maълumotlariga kўra, shuningdek, koreys flagmanlari mobil internet tezligi b'uyicha Pixel 2ni 17 foizga, Galaxy S7ni 38 foizga ortda kuзdirgan. Eslatib utamiz, bu natijalar faқat Snapdragon 845 prosessorlarida ishlovchi smartfonlar uchun taalluқchi.

S.ТЕМИРОВ тайёрлади



## ХАЛҚАРО ҲАЁТ



### Эрдўгон: "Тарих АҚШ ва Исроилни кечирмайди"

Turkiya Prezidenti Rajab Tоyib Эрдўгон Исроил бош вазири Биньямин Нетаняхуни фаластинликларга qarshi apартеид (irқий ажратиш, taққирлаш va jabрлаш) siёsatini yuritish va jinoyatlar sodir etishda айbladi.

Shuningdek, Эрдўгон Buyuk Britaniya бош вазири Тереза Мэй билан Лондондаги matbuot anjumaniда халқaro хамjamiyat va БМТни зудлик bilan харакатларга utib, Fаластиндаги зуравонlikка чек k'uyishga чақирган.

Al-Kulсda AQShning Tel-Avivdan k'uchiрилган elчixonasi ochilishi foniда Turkiya tashqi ishlar vazirligi Исроил elчисига Turkiyadan чиқиб ketishini taқlif qilgan edi. Shundan suнг elчи Эйтан Наэ Turkiyani tark etdi. U Otaturk халқaro aeroportidan Tel-Avivga учиб ketdi.

### Хитой Корея яримороли б'uyича баёнот берди

Xitoy tashqi ishlar vaziri Ван И Парижга амалга оширган tashriфи davомида AQSh va KХДР bilan muzokaralarda ishtirok etatgan bo'shqa davlatlarni Kорея yarimoroлида tinchlik urnatish imkoniyatiga ehtiyoқorlik bilan munosabatda bu'lishga чақирди. Uning maълum qilishicha, халқaro хамjamiyat KХДР хукумати mintaqада tinchlikни ushlab turish uchun амалга оширган saъy-xarakatlarni tan olishi lozim.

### Епископлар Ислон динини хурмат қилишга чақирди

Germaniya katolik епископлари anjumani ish-tirokchilari turli dinий guрухlar vaқillarini bir-birlarini хурмат қилишга чақирди. "Барча дин бир хил эмаслигига қарамай, Худо хамма инсонга бир хил шаън ato etishga iroda qilgan", — дейилади Германия Кардинали Рейнхард Маркснинг anjuman қатнашчиларига йuллаган matbuvida.



Matkubda musulmonlar uchun muborak Ramazon ойида ruза tutish инсон tuyuqlarini янада чархлашига имкон yaratishini urгулаган Кардинал Маркс, Германия католиклари номидан, musulmonlar Ramazon ойини муваффақиятли utkazishini Худо-dan su'rab duo qilgan.

### Хаста болалар кафе очишди

Autizm va даун синдромига чалинган un нафар бола Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида "Даунтизм" кафесини очишди. Теҳрон шаҳри ижтимоий таъминот ташкилоти бошлиғи уринбосари Муҳаммад Ризо Асадий маълум қилишчи, ушбу лойиҳа автобус ичида амалга оширилиши белгиланган эди. Кейинчалик эса режа узгариб, ростман кафе очилишига аҳд қилинди.



### Британия Евроиттифоқ б'uyича муҳим қарорни эълон қилмоқчи

Британия хукумати Evropaга 2021 йилдан suнг EI божхона иттифоқи азоси булиб қолишга тайёр эканини хабар бериш niyatida. Бу Buyuk Britaniyaning Evropa хамjamiyatidan чиқishi б'uyича келишув доирасида амалга оширилади.

The Telegraph nashri ezi-shicha, 15 may kuni mamлаkat бош вазири Тереза Мэй бошчилигидаги vazirlar maҳkamasи Brexit tu'g'risidagi келишув б'uyича yangi rejани maълuқladi. Taъkidlanishi-cha, u Birлашган Qirollik-nинг Evropa иттифоқидан чиққанидан кейин Ирландия hamda Shimoliy Ирландия urtasida tuлақонли чегара urnatishdan qochishda e'rdam beradi. Gazeta manbalarini-ning қайд etishicha, reжа қatъий вақт чекловларини назарда tutadi.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

# “РРТМ” ДУК: МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА 789,6 МИЛЛИОН СЎМ САРФЛАНДИ

“Радиоалоқа, радио-эшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонасининг 1100 нафардан ортиқ малакали мутахассислари Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган 9та ҳудудий филиал – Радио-телевизион узатиш марказлари орқали мамлакатимиз бўйлаб телерадиодастурларни тарқатиш тармоғини ташкил этиш билан шуғулланади.

Истиқлол йилларида барча соҳалар каби телевидение ҳам ривожланиб, такомиллашиб борди ва рақамли телевидениенинг яратилиши боис янги босқичга чиқди.

2008 йили Тошкент ва Бухоро шаҳарларида биринчи рақамли телевидение узатгичлари ишга туширилган бўлса, 2017 йилга келиб республиканинг барча аҳоли яшаш масканлари тўлиқ рақамли телевидение дастурлари билан таъминланди.

2007 йили Тошкент шаҳрида тўртта давлат ва учта нодавлат телеканаллар дастурлари аналог телевидение орқали тарқатилган эди. Рақамли телевидениеге ўтиш лойиҳалари амалга оширилиши натижасида бугунги кунда 13та давлат ва бта нодавлат телеканалларининг теледастурлари бепул ижтимоий пакетда ҳамда 45та чет эл теледастурлари пуллик тижорат пакетда тарқатилляпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12та телевидение ва 4та радиодастурлари сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали республиканинг тоғли, узоқ ва бориш қийин бўлган кичик аҳоли масканларига ҳамда 40дан зиёд хориж мамлакатларига етказиб берилаётир.

Янги рақамли телевидение узатгичларини монтаж қилиш ва ишга туширишда жонбозлик кўрсатаётган ходимларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар саломатлигини муҳофаза



қилиш, эксплуатация жараёнида турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадига зарур эҳтиёт чораларини қўллаяпмиз. Яъни, биринчи навбатда, уларнинг Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларда малака оширишлариغا эришдик, шунингдек, узатгичларнинг жорий эксплуатацияси жараёнида билим ва кўникмаларини янада такомиллаштириб боришларига ҳаракат қиляпмиз.

Албатта, барча ёшдаги ходимлар соғлиқ учун безарар ва хавфсиз шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин, кўп ҳолларда, биринчи марта ишга жойлашаётган ёшларда меҳнат муҳофазаси бўйича зарур билим ва тажриба бўлмайдди. Ёшларнинг аксарияти хавфсизлик техникаси, гигиена ва ишлаб чиқаришда ўзини тутиш қоидалари бўйича етарли тайёргарликка эга эмас. Тажрибасизлиги натижасида уларнинг иш жойида жароҳатланиши ҳолатлари катта ёшдаги ҳамкасбларига

нисбатан кўпроқ содир бўлади. Бундан ташқари, иш жойларида мавжуд хавфли ишлаб чиқариш омиллари сабабли ёш ходимларнинг соғлиғи ва ҳатто ҳаёти ҳам хатарда қолиши мумкин.

Шунинг учун ёш ходимларга малакасига мос иш берилиши, тажрибали ходимларга бириктирилиши, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини қатъий назоратга оляпмиз.

Дарвоқе, корхонамизда меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жамоа шартномасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” бўлими ва ҳар йилнинг биринчи чораги давомида касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланадиган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши бўйича битим”да белгиланган тадбирлар тўлиқ бажарилишига эришиляпти. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ҳамда тиббий кўрик-

дан ўтказилиши, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича билимлари режа асосида текшириб борилаётгани, шахсий ҳимоя воситалари, асбоб-ускуналар ва ўлчов асбобларининг лаборатория синовидан ўтказилиб борилиши, иш жойларида биринчи тиббий ёрдам қутилари мавжудлиги, улардаги дори воситалари яроқлилиги, иш жойларида ёнғинни ўчириш воситалари мавжудлиги ва текширувдан ўтказилиб турилиши, ходимлар маҳсус кийим билан белгиланган муддатларда таъминланаётгани, меҳнат муҳофазаси бурчаклари зарур кўргазма материаллари билан жиҳозлангани, иш жойлари аттестациядан ўз вақтида ўтказилиши, меҳнат муҳофазаси муҳандисларининг малакаси мунтазам ошириб борилиши, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинганлиги қўмитамиз томонидан назоратга олинган.

Корхонада 2017 йил давомида меҳнат муҳофазаси тадбирларига жами 789,6 млн. сўм маблағ сарфлангани ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек ташкил этилаётганидан далолатдир.

Корхона бош бўлинмаси ва филиалларида иш жойларининг ёруғлиги, электромагнит майдон кучланиши, электромагнит энергия оқими зичлиги, кучланиш кабеллари ҳимоя қобиғининг ва ерга улашиш тизимининг қаршилиги Метрология хизмати томонидан режа асосида ўлчаниб, тегишли далолатномалар расмийлаштирилиб, аниқланган номувофиқликларнинг бартараф этилишини назоратга олаётганимиз ўзининг ижобий самарасини беряпти. Биз бундан кейин ҳам инсон омилини бош ўринга қўйиш учун бор имкониятларимизни ишга солаверамиз.

**Икром АБДУЛЛАЕВ,  
“РРТМ” ДУК касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

“  
Корхонада  
2017 йил  
давомида  
меҳнат  
муҳофазаси  
тадбирларига  
жами 789,6 млн.  
сўм маблағ  
сарфлангани ҳам  
бу борадаги  
ишлар  
кўнгилдагидек  
ташкил  
этилаётганидан  
далолатдир.”



Марчелло  
ВЕНТУРИ

Марчелло Вентури (1925-2008, Италия) — италян ёзувчиси. Вентури адабиётга ўтган асрнинг 40-йиллари ўзининг фашизм ва урушга қарши ҳикоялари билан кириб келди.

1950 йили ёш ёзувчига "Қайтишнинг узок йўли" қиссаси учун "Поццале" мукофоти, қиссалар тўплами учун 1952 йили Италиянинг энг катта адабий мукофоти "Виареджо" топширилди. Вентурининг "Кефаллияда оқ байроқ" романи гитлерчиларнинг машъум жиноятлари ҳақида ҳикоя қилади. 1965 йили чоп этилган "Йиллар ва ёлгонлар" тўпламида Вентури ўзи бошидан ўтказган қонли йиллар, қийинчиликлар, Италиянинг оёққа туриши ва жаҳонга юз тутиши ҳақида ёзади. Ушбу асари учун Вентури "Пуччини-Синигаллия" адабий мукофотиغا лойиқ қўрилади.

# БИЗ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИГАН ЁЗ

(Ҳикоя)

— Бу сенинг болангми? — аскар кўрсаткич бармоғини нуқиб сўради.

— Ҳа, — деди деҳқон.

— Бу эса — хотининг? — сўради немис.

— Ҳа, — деди деҳқон.

Ёз эди.

— Мен болани яхши кўради, — деди аскар.

Куёш далалардаги бугдойни ва ўрмонлардаги арчаларни жизганак қилиб ёндирарди; у Пистойя тоғларида кўмилиб ётган деҳқон уйлари куйдирарди.

Қариялар: "Бунақа жазирама ёзни биз умримиз бино бўлиб кўрмаган эдик", — дердилар.

— Меники уйда кўп болалар бор, — деди аскар. Унинг қўлларида юк аравасининг гилдиракларидан ечилган чарм камера бор эди. У чармни жилвир қоғоз парчаси билан қиртишлаб тозаларди. Пешонасидан тер куйиларди. Жуда жазирама ёз эди, 1944 йилнинг ёзи.

— Хотин, бола бор, — деди аскар. Сўнг тишларини гичирлатиб қулди.

"Ё, танграм, — ўйлади деҳқон, — улар ростдан ҳам бошқа одамларга сира ўхшамайди, асло". "Улар кулганда ҳам қанақадир бошқача қулади", — ўйлади деҳқон.

— Менга болалар ёқади, — деди аскар чармгилдирагини гижимларкан. У ертўла томонга келиб, аргувон дарахти тагига ўтирди. У бир челақ сув сўради. Деҳқон унга сув келтирди, кейин уйининг остонасида ғоз турди. Унинг ортида — аравасининг чармгилдирагини жилвир қоғоз билан тозалашган аскарга қараб турганча бола кўтарган аёл.

Ёз эди. Жазирама ёз — аввал ҳеч қачон бўлмаган жазирама ёз. 1944 йилнинг биз энди ҳеч қачон унутмайдиغان ёзи. Далаларда тупроқ ҳам ичидан нимадир куйдиргандек қуриган ва ёрилиб кетган, дарахтлардаги полопонлар гўё ақлдан озгандай. Чигирткалар ташналикдан кундузи ҳам чириллаб кўярди. Чунки саратон жазирама эди, қонга чўмилгандай қизил эди.

— Мен тезда Олмонияда, — деди аскар. — Ҳаммаси капут, мен ҳам Олмонияда.

"Капут", — ўйлади деҳқон. Кейин хотинга:

— Сен уйга кир, — деди.

Уша кунларда Моденга олиб борувчи катта йўлдан юк машиналари қатор-қатор ўтарди. Ва кўпинча бу юк араваларидан бирортаси тўхтар, оқ тусли немислар



келиб, тухум, сут ёки бошқа бирор-бир егулик сўрашарди.

— Ҳеч вақо йўқ, — дерди деҳқон. Сўнг хотинининг қўлидаги боласига ишора қиларди.

Немислар тунуканинг шақирлашдай темир овозларда гўлдираганча омбору саройларларни айланишарди. Улар пулемёт тасмалари билан ўранган бу ўқ шодаларини ҳайитга отланган келин марварид шодаларини таққандек фароғат билан тақиб юришарди.

— Америкаликлар Арнода, — деди немис. Пешонасидан терни сидирди: — Яқинда ҳаммаси тамом, капут, — қўшиб қўйди у.

Энди у чармгилдирақнинг яғир жойига елим суркарди, деҳқон эса уйи остонасини тўсганча қотиб қараб турарди.

Куёш ўз нурлари билан бугдойзор далаларни шафқатсиз куйдиришда давом этарди, 1944 йилнинг қизил ёзидаги бугдойлар ҳам сариқ эмас, қип-қизил эди. Ўрмонларда қарағайларга ўт кетар, тоғ этакларида сочилиб ётган қишлоқлар ҳам аланга ичида куярди. Пастга, кенгликка қараб тоғлардан елкасига бутун уйини ортомқлаган эркаклар ва аёллар тушиб келишарди. Таёқнинг учида лўкиллаб осилиб келаётган қора тугунчага тугилган уй.

— Меники Олмонияга қайтиш, — деди аргувон дарахти соясида ўтирган немис. — Урушда ҳеч яхши йўқ.

Уйланг: эркаклар ва аёллар елкаларида ўз уйлари, ўзлари ва ўз марҳумларининг мол-мулклари тугилган таёқни тутамлаганча тоғлардан иттифоқчиларнинг кўшинларига пешвоз тушишарди. Бунинг сабаби асло кўёш эмасди. Махсус немис тўдаларининг оловотар

қуроллари эди. Ҳозир эшик кесақисига суяниб чармгилдирагини тузатаётган немисга қараб турган деҳқон ҳам кун кетидан кун санаб, унинг даласига ҳам бу оташ тушишини, ҳосилини ямлаб, уйини вайрон қилишини кутарди.

"Чунки бу бир дўлга ўхшайди, — қариялар кўзларини ерга тикканча шундай дердилар. Кейин қўшиб кўярдилар: — Бу йилгидай ёз ҳеч қачон бўлган эмасди".

Немис бошини кўтарди ва деҳқонга тикилганча совуқ жилмайди. Кейин гапирди: — Чарм капут. Энди ҳеч нарса капут. Ҳаммаси жойида, — деди у. — Меники кетмоқ.

Деҳқон унга қўшилгандек бош ирғади.

— Лекин жуда иссиқ, — деди немис. — Мен кечкурун кетиш. Тушундинг? — сўради у. — Жуда егим келади, — жаранглатиб кулганча қўшиб қўйди. У чармгилдирагини майсага, дарахт соясига ташлади. Қўлини сув солинган челақка тикди. Кейин машинаси ўриндигининг тагидан латта олиб, қўлларини артди. Шошмасдан деҳқонга яқинлашди. Ундан тер шовуллаб куйиларди. Тер кичкина оқ томчилар бўлиб пешонадан сирғалар, ёноқлардан оқар, бўйнига учидан лўкиллаб осилиб келаётган қора тугунчага тугилган уй.

— Иссиқ, — деди у. — Меники оқшомни, куёш ухлашини кутмоқ.

Дўстлар, биз 1944 йилнинг оқаргунча ловуллаган ёзини унутолмаймиз. Ва елкаларимиздаги таёқларда осилган тугунчани унутолмаймиз. Уша тугунчада уйимиз, тўшагимиз, қабристондаги гўримиз тугилган эди.

— Сенинг тухуминг бор, сутинг бор? — немис деҳқоннинг қаршисида тўхтаб, сўради. Деҳқон бошини куйи солиб, яланг оёқларига,

эски, серямоқ шимиға боқди.

— Менда ҳеч вақо йўқ, — жавоб берди у.

— Ҳеч вақо? — сўради немис. Энди у кулмайётган эди; унинг ёзи тундлашди ва тошдай қотди.

— Италияликлар доим ҳеч вақо, — деди у.

Деҳқон қўлларини ёзганча тушунтиришга тутинди:

— Сигир йўқ, сенинг ўртоқларинг келиб, олиб кетишди. Мен ўртоқларингга айтдим, ёш боламиз бор, дедим. Ахир, сен уни кўрдинг-ку? Мен ўртоқларингга айтдим: сизлар сигиримни олиб кетсанглар, бу бегуноҳ гўлак очликдан тамом бўлади. Аммо улар: биз урушпимиз, сенинг ерингни ҳимоя қиляпмиз, шунинг учун сен бизни боқшинг керак, дейишди. Мана, улар менга нима дедилар.

— Меники ҳеч нарса билмайди, — деди немис.

— Сен ҳеч нарсани билмайсан, — деди деҳқон. — Аммо мен нима демоқчилигимни яхши биламан. Мен айтмоқчиманки, менда ҳеч нарса йўқ. Мен айтмоқчиманки, менинг фақат кўзларим қолди — йиғлаш учун. Мана, бор-йўғи ана шу қолди. Сут эса йўқ.

— Сут йўқ? — сўради немис. Ундан аввалгидай тер қуйиларди. Унинг пешонаси, афти-ангори, бўйни — ҳаммаси терга ботган. 1944 йилнинг ёзида дарё бўлиб қуйилган терлар... Адо бўлаётган далаларга термулиб турган деҳқоннинг томоғи қурди. У шундоққина қаршисида турган немиснинг кўк кўзларидаги совуқ нигоҳга тўқнашиб қолмаслик учун далага қараётган эди.

(Давоми бор)

## Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

Китоб секин ўқилганда 100 фоиз матн тушунилмайди, фақатгина 60 фоиз англанади, аксинча, тез ўқилганда матннинг 80 фоизи тушунилади.

# “ALSKOM” ЖАМОАСИ СОҶА ТУРНИРИ ҒОЛИБИ!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг мини футбол (футзал) бўйича соҳа Кўчма кубоги учун Тошкент шаҳридаги корхоналар ўртасида “Саралаш” ва “Ўтиш” турнири ташкиллаштирилди.

10-15 май кунлари Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида ўтказилган “Ўтиш” турнири баҳсларида жами 16та жамоа иштирок этди. Қуръа ташлаш натижасида жамоалар 4та гуруҳга ажратилди.



**“А” гуруҳи**  
ЭМММ  
Ўзбектелеком  
Uzmobile  
Мониторинг

**“В” гуруҳи**  
Alskom  
Матбуот тарқатувчи  
Тошкент почтамати  
Uzinfocom

**“С” гуруҳи**  
Ўзбекистон почтаси  
РРТМ  
ИНҲА  
ТБМ

**“D” гуруҳи**  
МТРК  
UMS  
ДАИ  
Вазирлик

Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган жамоалар чорак финалга йўл олдилар.

**Чорак финал**

Uzmobile — Тошкент почтамати — 4:1  
Ўзбекистон почтаси — ДАИ — 0:2  
Alskom — ЭМММ — 4:1  
МТРК — РРТМ — 8:1

**Ярим финал**

Uzmobile — ДАИ — 6:0  
Alskom — МТРК — 5:3

**Финал**

Alskom — Uzmobile — 4:1

Шу тарзда барча рақиблари устидан ишончли ғалабага эришган “Alskom” жамоаси “Ўтиш” турнири ғолибига айланди. Турнирда 2-ўринни “Uzmobile” жамоаси қўлга киритди. Бу икки жамоа келгуси йилдан “Саралаш” турнирида қатнашади.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар мусобақа ташкилотчиларига ва кўрсатган ажойиб ўйинлари учун жамоалар вакилларига ташаккур изҳор этдилар.

Мусобақада 1 ва 2-ўринларни эгаллаган жамоалардан ташқари 3-ўринга лойиқ топилган МТРК ва ДАИ жамоаларига ҳам медал, кубок ва диплом топширилди.

**“Саралаш” турнирида “ТШТТ”нинг икки жамоаси ва “Алоқабанк” финал босқичига йўлланма олди**

“Саралаш” турнирида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 8та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда финал йўлланмаси учун баҳс олиб борди.

**“А” гуруҳи:** TATV, ZTE, UzDigital, ТШТТ-1

**“В” гуруҳи:** МАТБ, ТШТТ-2, Алоқабанк, Электрон ҳукумат.

Қизгин курашларга бой ўтган ушбу турнирда ТШТТ-1 ва ТШТТ-2 жамоалари ўз гуруҳларида биринчи ўринни қўлга киритди ва ҳар иккиси ҳам соҳа Кўчма кубогининг республика босқичига йўл олдилар.

Гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаган “Uzdigital” ва АТ “Алоқабанк” жамоалари эса яна бир йўлланма учун ўзаро баҳслашди. Мазкур ўйинда ғолибликни қўлга киритган АТ “Алоқабанк” жамоаси мусобақанинг республика босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



“Alskom” жамоаси



“Uzmobile” жамоаси



ДАИ жамоаси

ЭЪЛОН!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ:

“GALKOM” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан

фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2016 йил 11 майда берилган АА серияли 0005830 рақамли; “SAMARQANDMAHSUSSUVDRENAL” масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) кўчма радиотелефон (транк) алоқа тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 13 майда берилган АА серияли 0005840 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 11 майдан тугатилди.

**“АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҶАСИ ТАРИХИ ВА МЕРОСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ**

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сон фармойишига асосан жамоат фонди ҳисоб-рақамига 2018 йил 15 майда АТ “Алоқабанк” томонидан 37 500,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушганини маълум қилади. Ушбу ҳомийлик пули “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охирига оқиб бўлсин

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси доценти Хуршид Саггоровга онаси **МАЪМУРОЙ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ОГОҲ БЎЛИНГ: ФАРЗАНДИНГИЗ ТЕЛЕГРАМДА...



Биз яшайтган даврни техника асри, дейишайтгани қанчалар ҳақиқат эканлигини интернет орқали ахборот алмашишнинг энг юқори чўққисига чиқиб бораётганимиз исботлайди. Саёҳатга чиқмоқчи бўлсангиз, авиачиптани ёхуд исталган давлатнинг меҳмонхоналаридан тармоқ орқали жой брон қилишингиз нақ мўъжизанинг ўзгинаси! Чет давлатга ўқишга ёки ишлашга кетган қариндош-уруғ, таниш-билишларингиз билан телеграм, ватсап орқали нафақат ёзишмалар, балки аудиохабарлар билан алоқада бўлиш, IMO орқали кўришиб суҳбатлашиш имкони кишини ҳайратлантирмай қўймайди.

Касб-хунар коллежларида ҳам ўқувчиларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланишларига тақиқлар қўйилишига қарамай, аввалбошда тартиб бузувчи ўқувчилар учраб турди.

Бу масаланинг бир томони... Мазкур қулайликлар инсонларнинг вақтларини тежаш, ортиқча чиқимларнинг олдини олиш баробарида, баъзан хунук ҳолатларнинг ҳам содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Кўча-қўйда қаерга қараманг, ёшларнинг қўлида шапалоқдай (сенсорли) қўл телефонларига кўзимиз тушади. Наушник (қулоқчин)ларни қулоғига тиқиб олдим, тамом, ташқи оламдан узилгандай... эшитаяётган мусиқалари гирдобига фарқ бўлади... Бир маҳаллар ошиқ йигитлар яхши кўрган қизларининг кўчалари бошида дарвозасидан бир қиё боқилишни кутиб умри кўчада ўтган бўлса, эндиликда, соатлаб, керак бўлса, тонга қадар (телефон апаратининг қуввати тугаб қолмаса агар!)

“мириқиб” суҳбат қуриши мумкин.

Касб-хунар коллежларида ҳам ўқувчиларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланишларига тақиқлар қўйилишига қарамай, аввалбошда тартиб бузувчи ўқувчилар учраб турди. Ушбу тақиқловлар аслида ўқувчини дарсдан чалғиши ҳамда машғулот жараёнида бошқа ўқувчиларга дарсни ўзлаштиришларига халақит бериши назарда тутилган бўлса-да, айна пайтда ўқувчиларнинг айримлари тезроқ дарс тугаса-ю қўл телефонларини олиб, телеграмда “кутиб” қолган таниш-билишлари билан виртуал оламда сайр қилишни келган жойидан давом эттириш пайида бўлишади...

Бир куни бошқа коллежда ўқитувчилик қиладиган дугонамдан гуруҳимизда ташкиллаштирилмаган тадбир мавзусига доир сценарийлардан сўрадим. У қизининг телефони орқали телеграмимга ворд шаклида ташлашни билдирди. Дугонамнинг қизи айtilган вақтда файлни юборди. Кечки овқатдан кейин эртанги ўтиладиган дарсларим конспектини ёзиб улгурганман, бор ҳаёлим ўтказиладиган тадбир та-

доригида эди. Негадир телеграм орқали сценарий юборган қизнинг “аватарка”га қўйган сурати эътиборимни тортди...

...Маст-аласт бир тўда ажнабий ёшларнинг жазавага тушган ҳолати акс этган сурат. Кейинги расмга ўтаман: кўпчилик одамларнинг эътиборини “қозонишга” улгурган “Севги изтиробини” турк сериалининг асосий қаҳрамонлари Камол ва Нихоннинг дардли нигоҳлари... Демак, дугонамнинг қизи ҳам ҳамма қатори турк сериалларига ошуфта кўринади. Қўлим телефон экранига тегар-тегмас кейинги расмга ўтаман...

Ўсмир ёшдаги қизнинг танлаган суратларидан ҳаяжоним ортади... Чилим чекаётган ярим яланғоч кийимдаги қиз... Бу расмларни юклаётганда унинг ҳаёлидан нималар ўтди экан? У бу расмлар орқали ўз дунёқарашини намояндалаштириши ёки бошқаларни ҳам шунга тарғиб қилмоқчимми?

Наҳот қиздаги бу ўзгаришлардан дугонамнинг хабари бўлмаса?! Балки билса-да, эътиборсизлик қилаётгандир?!

Эртаси куни кечга қадар хаёллар гирдобиде қолдим.

Дугонам билан бу ҳақда кўришиб гаплашишни истадим ва унга учрашишимиз лозимлигини билдирдим...

Орадан ойлар ўтди. Кунларнинг бирида марказий бозорда дугонамни учратиб қолдим. Коллежда ёзув-чизувлар кўпайиб ишлаш қийин бўлиб қолганидан ёзгирди. Гап орасида ушанда менинг огоҳлантиришим сабаб, қизга эътиборди бўлганлиги, қизи ўқийдиган коллеж ўқувчилари телеграмда гуруҳ бўлишиб, бўлар-бўлмас, беандиша мавзуларни ҳам муҳокама қилишганини, гуруҳларини ота-онаси хорижга ишга кетиб, эндиликда қаровсиз қолган бир қиз бошқарилишини аниқлаганини айтиб қолди. Дугонам мендан миннатдор эканлиги юзқўзларидан билиниб турарди.

Ҳа, бир ўсмир ҳаёти заҳарланишининг олди олинишига сабабчи бўлди. Лекин атрофимизда минглаб ёшларнинг эътибордан четда қолишига асло йўл қўймайлик. Зеро, мамлакатимизнинг эртаси ёшлар қўлида эканлигини ҳис этиб яшайлик!

**Комила СУЛТОНОВА,**  
Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ,  
Сайдгани НАСРЕТДИНОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ,  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100105, Тошкент,  
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Набатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.



**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

<p><b>Xabar</b> МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-543 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3348 нусха.</p>	<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80 Бухорода (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Новойда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99</p>			